



# Кўп қиррали ҳамкорлик ва ўзаро шерикликни мустаҳкамлаш йўлида янги тайинланган элчиларга ишонч билдирилди

28 июль куни хорижий давлатларнинг мамлакатимизга янги тайинланган элчилари томонидан ишонч ёрлиқларини топширишга бағишланган тантанали маросим ўтказилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев фавқуллодда ва мухтор элчилар — Италия Республикасидан Гуидо де Санктис, Фаластин Давлатидан Баилл Баттрехи, Саудия Арабистони Подшоҳлигидан Саад Абу Хаймид, Кувайт Давлатидан Турки Ал-Мекрад, Жазоир Халқ Демократик Республикасидан Жамила Ашур, Малайзиядан Рафеда бинти Абдул Азиз, Покистон Исло

м Республикасидан Муҳаммад Мудассир Типу, Озарбайжон Республикасидан Рашад Мамедов ва Қозоғистон Республикасидан Ералли Тугжановларнинг ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди. Давлатимиз раҳбари дипломатик ваколатхоналар раҳбарларини Янги Ўзбекистондаги шарафли миссияси бошлангани билан чин қалбдан самимий табриклади.

Дунёда турли геосиёсий зиддиятлар тобора авж олаётган ҳозирги мураккаб даврда дипломатларнинг масъулиятли фаолияти ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этиши таъкидланди. Президентимиз ҳар бир элчига мурожаат қилиб, улар вакиллик қилаётган давлатлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Италия катта сиёсий ва иқтисодий салоҳиятга эга муҳим шерик экани таъкидланиб, “яшил” энергетика, металлургия, кимё, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, таълим ва туризм соҳаларидаги лойиҳалар амалга ошириляётгани, Тошкент шаҳрида Турин политехника ва Пиза университетлари филиаллари самарали фаолият юритаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон етакчиси Ломбардия ва Тоскана ҳудудлари билан ҳамкорлик алоқалари, хусусан, тиббиёт ходимларини тайёрлаш бўйича қўшма ташаббусларни қўллаб-қувватлашини билдирди. Фаластин билан муносабатлар азалий дўстлик руҳида ривожланмоқда. Ўзбекистон Исроил-Фаластин муаммосини “икки

халқ учун икки давлат” тамойили асосида тинч йўл билан ҳал этиш тарафдори бўлиб келмоқда. Мамлакатимизнинг Тинчлик кенгашига таъсисчи давлат сифатида кириши Ҳазони қайта тиклашга кўмаклашишга қаратилгани қайд этилди.

Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ҚОЗОҒИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 29 июль куни амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Давлатимиз раҳбари Остона шаҳрида “Келажак ўйинлари” учинчи халқаро мусобақасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этади. “Келажак ўйинлари” ўзида анъанавий спорт турлари ва уларнинг рақамли шакллари мукжасам этган.

Мусобақа 29 июндан 9 августга қадар 50 дан ортиқ мамлакат вакиллари, жумладан, Ўзбекистон спортчилари иштирокида ўтказилади.

ЎЗА

## ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳридаги қозонхонани когенерация технологиялари асосида модернизация қилиш юзасидан тақдимот билан танишди.

Куз-қиш мавсумида аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектларини барқарор иссиқлик билан таъминлаш, тизимда энергия тежамкор технологияларни жорий этиш — муҳим вазифа. Бугунги кунда Нукус шаҳридаги 47 та кўп қаватли уй марказий иситиш тизимига уланган, яна 270 та уй локал иситиш тизимидан фойдаланмоқда. Қолган кўп қаватли уйлардаги хонадонлар турли қўлбола иситиш воситалари орқали иситилмоқда.

Бундай воситалар кўп энергия сарфлаши билан бирга одамлар саломатлиги ва ҳаёти учун ҳам жиддий хавф туғдиради. Шаҳардаги мавжуд марказий қозонхона 1976 йилда қурилган бўлиб, ҳозирда асосан ижтимоий соҳа объектларига хизмат кўрсатмоқда. Унинг ускуналари маънан ва жисмонан эскирган, энергия самарадорлиги эса паст. Ҳозирги қозонхонада 1 гигакалория иссиқлик ишлаб чиқариш учун қарийб 153

кўб метр табиий газ ва 30 киловатт-соат электр энергияси сарфланмоқда. Унинг амалдаги қуввати соатига атиги 1,6 гигакалорияни ташкил этади. Тақдимотда ушбу қозонхонани давлат-хусусий шериклик асосида когенерация технологиялари билан модернизация қилиш лойиҳаси кўриб чиқилди. Когенерация технологияси битта ёқилғи манбаидан бир вақтнинг ўзида электр ва иссиқлик энергияси ишлаб

чиқариш имконини беради. Бу ресурслардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва атроф-муҳитга чиқариладиган зарарли моддаларни камайитишга хизмат қилади. Лойиҳа доирасида соатига 34,4 гигакалория иссиқлик ва 21,5 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий мажмуа барпо этилади.

Давоми 2-бетда

## САУДИЯ АРАБИСТОНИ БИЛАН УСТУВОР ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистони Подшоҳлиги соғлиқни сақлаш вазири Фаҳад бин Абдулрахмон ал-Жалажил бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашув аввалида олий мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд ва Валиаҳд, Бош вазир Муҳаммад бин Салмон Ол Сауднинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди. Сўнгги йилларда ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Айниқса, “АСВА” компанияси билан йирик қўшма лойиҳалар амалга ошириляётгани алоҳида таъкидланди. Ташриф доирасида Саудия Арабистонининг етакчи компаниялари раҳбарларидан

иборат нуфузли делегация билан самарали музокаралар ўтказилиб, қатор келишувларга эришилди. Мулоқот давомида мамлакатимизда тиббиёт соҳасини рақамлаштириш ва модернизация қилиш, фармацевтика тармогини тартибга солиш, кадрлар тайёрлаш, кўп тармоқли шифохона барпо этиш масалаларига эътибор қаратилди. Учрашув якунида янги лойиҳа ҳамда ташаббусларни амалга оширишни назарда тутувчи “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга келишиб олинди.

ЎЗА

Янги босқич, янги масъулият, аниқ натижа

ҚАР БИР АЁЛ — ДАВЛАТ ЭЪТИБОРИДА,  
ОИЛА — ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

Қар қайси мамлакатдаги иқтисодий-ижтимоий юксалиш, соҳалар тараққиёти ва молиявий барқарорликнинг ҳақиқий самараси, аввало, оилалар ҳаётида, уларнинг турмуш фаровонлиги, барқарор даромади ва эртанги кунга ишончида намоён бўлади. Ҳар қандай ислохотнинг аҳамияти эса унинг инсон ва оила ҳаётида қандай ўзгаришларга муҳим омил бўлгани билан ўлчанади.

БМТ таҳлилларида ҳам бежиз оила тенглик ва адолат қарор топадиган маконга айланганида иқтисодиёт ҳам, жамият ҳам раванқ топиши алоҳида таъкидланмайди. Оила — жамиятнинг бирламчи бўғини ва унинг барқарорлигини таъминлайдиган энг муҳим таянч. Оиладagi муҳит, фарзанд тарбияси, хотин-қизларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, қобилият ва ташаббусларини рўёбга чиқариши учун яратилган шароитлар, имкониятлар мамлакатнинг бугуни ва истиқболига бевосита таъсир кўрсатади. Шу маънода, оила ва хотин-қизлар масаласи алоҳида ижтимоий йўналиш эмас, мамлакат келажagini белгилайдиган стратегик омилдир.

Давоми 3-бетда



2026 йил 29 июль, 152-сон

# Кўп қиррали ҳамкорлик ва ўзаро шерикликни мустаҳкамлаш йўлида янги тайинланган элчиларга ишонч билдирилди

Бошланиши 1-бетда

Саудия Арабистони билан ҳамкорлик бошқалар учун намуна бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари 25 миллиард долларлик лойиҳалар портфели шаклангани, Саудия тараққиёт жамғармаси ислохотларимизга фаол кўмак кўрсатаётганини алоҳида эътироф қилди.

Қолаверса, тиббиёт, фармацевтика ва “яшил” энергетика соҳаларида катта салоҳият мавжудлиги қайд этилди. Шунингдек, фуқароларимизга Ҳаж ва Умра зиёратлари учун яратилаётган шароитлар юқори баҳоланди.

Кувайт билан савдо-иқтисодиёт, инвестиция, инфратузилма, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида алоқаларни янги bosқичга кўтариш, Кувайт инвестиция агентлиги билан нефть-кимё тармоғида ва давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкони-ятлар борлиги таъкидланди.

Олий даражада эришилган келишувларнинг тўлиқ ижро этилиши халқларимиз манфаатларига бирдек хизмат қилиши билдирилди.

Жазоир билан сўнгги йилларда юқори даражадаги мулоқотларимиз фаоллашгани эътироф қилинди.

Шунингдек, нефть-газ, энергетика, тоғ-кон, қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳаларида ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш учун катта салоҳият мавжудлиги таъкидланди. Хукуматлараро қўшма комиссия таъсис этиш ва Имтйёзли савдо битимини имзолаш муҳимлиги қайд этилди.

Малайзия билан муносабатларимиз сўнгги йилларда барча йўналишларда изчил ривожланиб бормоқда. Олий ва юқори даражадаги мулоқотлар фаоллашди. Бозоримизга ушбу мамлакатнинг етакчи компаниялари фаол кириб келмоқда.

Ўзбекистон етакчиси ярим ўтказгичлар, нефть-кимё, ислом молияси ва зиёрат туризми соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш учун катта салоҳият борлигига ургу берди.

Покистон билан стратегик шериклик муносабатлари ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳида ривожланиб, янги сифат bosқичига кўтарилди.

ЎЗА

# Иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш бўйича лойиҳалар кўриб чиқилди

Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, 28 километр иссиқлик тармоғи тортилиб, 189 та индивидуал иссиқлик пункти ўрнатилади. Кўп қаватли уйлар ва ижтимоий объекларнинг ички иситиш тизимлари тикланади, зарур газ ва электр инфратузилмаси янгиланади.

Биринчи bosқичда 136 та кўп қаватли уйдаги қарийб 6 минг хонадон, яъни 23 минг нафар аҳоли ҳамда 40 та ижтимоий соҳа объекти марказлашган иссиқлик таъминоти билан қамраб олинади. Кейинги bosқичларда Нукус шаҳридаги барча кўп қаватли уйлар ва ижтимоий соҳа объекларини марказлашган иссиқлик тизимига улаш кўзда тутилган.

Лойиҳанинг дастлабки bosқичига 20 миллион доллардан зиёд тўғридан тўғри хорижий инвестиция жалб қилиниб, мажмуани 2028 йил февраль ойида тўлиқ ишга тушириш режалаштирилган.

Модернизация натижасида қозонхонанинг фойдали иш коэффициенти 80 фоиздан 91 фоизга ошади. Иссиқлик ишлаб чиқариш ҳажми бир неча ўн баробар кўпайиб, йилига 172 минг мегаватт-соат-гача электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

ЎЗА

# Умуммиллий бирдамлик ва миллатлараро тотувликнинг мустаҳкам асоси

Ўзбекистон азалдан турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келаётган кўп миллатли давлатдир. Мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, бу нафақат ички барқарорликни мустаҳкамлаш, балки ташқи сиёсатда ўзаро ишонч ва яхши кўшнчилик муносабатларини ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.



Гулдона АВЕЗДУРДИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Республика туркман маданият маркази раиси

Президентимиз таъкидлаганидек, “Ҳеч шубҳасиз, юртимиз заминида қадимги даврлардан буён давом этиб келаётган этник хилма-хиллик ноёб ижтимоий ҳодиса бўлиб, бугун — янги Ўзбекистон шароитида янгича маъно-мазмун ва аънаоларга эга бўлиб бораётгани диққатга сазовордир. Барчамиз учун азиз ва мўътабар бўлган Ватанимиз айнан шу асосда инсон қадри ва бахти улугўланадиган том маънодаги тинчлик, дўстлик ва меҳр-оқибат диёрига айланиб бормоқда...”



Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини кўриш учун узоққа бориш шарт эмас. Бунини Тошкент вилояти мисолида ҳам яққол сезиш мумкин. Зеро, катта иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятга эга худуд сўнгги йилларда барча соҳалар бўйича муҳим ўзгаришларга юз тутмоқда, пировардида улкан натижаларга эришилмоқда.

Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг қарийб 10 фоизи тўғри келадиган вилоят иқтисодиёти бир неча баробарга ўсиб, охириги беш йилда 16 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилингани ҳам фикримизни исботлайди. Бугун чет эл капиталли иштирокидаги корхоналар сонини қарийб 3 мингтага етди. Аввалги йилларда вилоятда экспорт ҳажми 1 миллиард долларни ҳам ташкил этмаган бўлса, ҳозир ушбу кўрсаткич 3 миллиард долларга яқинлашди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 22 июль куни вилоятнинг Ўрта Чирчиқ тумани ва Нурафшон шаҳрига ташрифи эса, шубҳасиз, худуд аҳолиси ҳаётида навбатдаги тарихий саҳифаларни очди. Ташриф доирасида транспорт, ижтимоий инфратузилма, рақамли технологиялар, саноат ҳамда шаҳарсозлик соҳаларида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш асносида йирик бунёдкорлик лойиҳаларига старт берилди. Айниқса, вилоятни Тошкент шаҳри билан ягона иқтисодий ва транспорт макони сифатида ривожлантиришга хизмат қиладиган лойиҳалар алоҳида аҳамиятга эга.

Масалан, А-373 ва Тошкент катта халқа йўллари кесиммасида барпо этилган янги йўл ўтказгич ҳаракат хавфсизлигини ошириш, тирбандликларни камайтириш ҳамда пойтахт билан Нурафшон шаҳри ўртасидаги қатнов вақтини 10-15 дақиқага қисқартиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Келгусида Тошкент — Нурафшон йўналишида теъзорар автобус ҳамда замонавий поездлар қатнови йўлга қўйилади.

Ўрта Чирчиқ туманидан бошланувчи Тошкент — Самарқанд йўналишидаги пуллик муқобил автомобиль йўли қурилиши вилоят инфратузилмасини янада яхшилайди, қўшимча иш ўринлари яратиб, аҳоли даромадининг ошишига хизмат қилад.

Миллатлараро тотувлик ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш юртимизнинг кўшини давлатлар билан дўстона муносабатларини ривожлантиришда ҳам муҳим омил ҳисобланади. Бунини Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ҳамда стратегик шериклик муносабатлари мисолида яққол кўриш мумкин. Ўзбек ва туркман халқларини муштарак тарих, умумий маънавий мерос ва бой маданий қадриятлар бирлаштириб туради. Алишер Навоий ва Махтумқули каби буюк мутафаккирлар ижоди икки халқнинг умумий маънавий бойлиги ҳисобланади.

Кейинги йилларда ушбу меросни кенг тарғиб этиш, маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган қатор амалий ишлар қилинди. Жумладан, Тошкент шаҳрида Махтумқули номи билан боғлиқ маданий объектлар барпо этилди, Хива шаҳрида ҳайкали ўрнатилди. Ўзбек — Туркман дўстлик уйи ҳамда “Ули ҳовли” мажмуаси фаолият бошлади. Туркманистон пойтахти Ашхобод шаҳрида эса Алишер Навоий номи билан аталувчи кўча ва “Тошкент” боғи ташкил этилди.

Ўзбекистоннинг миллатлараро тотувлик йўналишидаги сиёсати Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, Туркманистон билан ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда туркман миллатига мансуб 200 минг аҳоли истиқомат қилад. Республика туркман маданият маркази ва унинг худудий бўлимлари туркман тили, маданияти ва миллий қадриятларини асраб-авайлаш, ёш

авлодга етказиш ҳамда халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш борасида самарали фаолият юритмоқда.

Шу билан бирга, икки мамлакат худудлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Хусусан, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳамда Туркманистоннинг Лебап ва Тошҳовуз вилоятлари ўртасида амалга оширилган ўзаро ташрифлар худудлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаб олишга замин яратди.

Икки давлат ўртасидаги маданий алоқалар адабиёт соҳасида ҳам изчил ривожланмоқда. Ўзбекистонда Махтумқули, Мулланафас каби туркман мумтоз адабиёти намояндалари юбилейлари кенг нишонланиб, уларнинг асарлари ўзбек тилига таржима қилинмоқда. Бу эса икки халқнинг маънавий яқинлигини мустаҳкамламоқда.

Миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсати самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистонда қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари жамиятда умуммиллий бирдамликни мустаҳкамлаш, турли миллат ва элат вакилларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётир.

2024 йилда бўлиб ўтган сайлов натижалари мамлакатимизда барча фуқаролар учун тенг имкониятлар яратилганининг яна бир амалий тасдиғи бўлди. Мамлакатимиз тарихида илк бор аралаш — мажоритар ва пропорционал сайлов тизими асосида шакланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси таркибида турли миллат вакилларининг фаол иштирок этиётгани янги Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва тенглик тамойиллари ҳаётда ўз ифодасини топаётганини кўрсатади.

Мазкур йўналишдаги ислохотлар кейинги йилларда янги сифат bosқичига

кўтарилди. Президентимизнинг 2025 йил 19 мартдаги “Умуммиллий тотувлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлашни янги bosқичга олиб чиқишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда унинг ижросини таъминлашга қаратилган “Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳани ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратди.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитанинг мақоми, ваколат ва имкониятлари янада кенгайтирилди. Бу давлат органлари ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, умуммиллий бирдамликни мустаҳкамлаш ҳамда хориждаги ватандошлар билан алоқаларни тизимли асосда ривожлантириш имконини берди.

Натижада мамлакатимизда миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган мутлақо янги ёндашув шакланмоқда. Бу жараёнда миллий маданий марказлар, жамоат ташкилотлари ва давлат идораларининг ўзаро ҳамкорлиги тобора кучайиб, жамиятда фуқаролик бирдамлигини таъминлашнинг муҳим омилга айланимоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бу борадаги ислохотлар жамиятда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, турли миллат ва элат вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳамда мамлакатимиз тараққиёти учун мустаҳкам ижтимоий пойдевор яратишга хизмат қилмоқда. Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик Ўзбекистоннинг энг муҳим қадриятларидан бири сифатида тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлиб қолмоқда.

# Бунёдкорлик даъвати, ишонч кафолати, қатъият ва шижоат рағбати

Бугун ҳар бир соҳа ва худуд рақамли технологиялар билан ҳамоҳанг ривожланмаса, мамлакат тараққиёти оқсайди, кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди. Буюк аждодимиз Мухаммад ал-Хоразмий асос солган алгоритмлар бугун глобал иқтисодиётнинг ўзаги ва инсонлар кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Чунки ҳозирги дунёда рақобат йиллар ва ойлар билан эмас, дақиқа ва сониялар билан ўлчанмоқда. Рақамлаштиришни орта сурган, сунъий интеллектни ўзлаштирмаган ва инновацияларга сармоа киритмаган давлатлар глобал тараққиётдан ортда қолиши турган гап.

Давлатимиз раҳбарининг Нурафшон шаҳрида ахборот хавфсизлиги ва рақамли технологияларга ихтисослашган “Cyber University” давлат университети фаолияти билан танишуви ва бу ерда Келажақ технологиялари маркази қурилишига тамал тоши қўйгани “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган вазифа — мамлакатимизни минтақавий АТ хабага айлантириш мақсадида эришиш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Марказда киберхавфсизлик, сунъий интеллект, булутли технология ва криптография йўналишларида олти та замонавий лаборатория ташкил этилади. Сунъий интеллект дата-маркази ва муҳандислик кластери, ҳимояланган компьютер ҳамда маълумот узатиш қурилмалари, юқори технологик токенлар ишлаб чиқариш маркази барпо этилади. Учувчисиз дрон қурилмалари ва робототехника воситаларини синовдан ўтказиш учун махсус полигон фаолияти йўлга қўйилади. Энг муҳими, мазкур инновацион экотизимда 5 мингдан зиёд юқори маалаки иш ўрни яратилади.

Умуман, ушбу марказ вилоятда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи доирасида Хитой, Россия ва Германия компаниялари иштирокида амалга ошириладиган, умумий қиймати 465 миллион доллар бўлган 9 та янги лойиҳа қурилишига ҳам старт берилди. Янги қувватлар яна 5 мингта иш ўрни яратиш ва аҳолининг замонавий ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайишига замин яратади.



Зухра МИРФОЗИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

худуднинг инновацион салоҳиятини юксалтиришга катта туртки беради.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи доирасида Хитой, Россия ва Германия компаниялари иштирокида амалга ошириладиган, умумий қиймати 465 миллион доллар бўлган 9 та янги лойиҳа қурилишига ҳам старт берилди. Янги қувватлар яна 5 мингта иш ўрни яратиш ва аҳолининг замонавий ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайишига замин яратади.

Президентимизнинг Нурафшон шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” боғида жамоатчилик вакиллари билан учрашуви нафақат вилоят аҳли, балки ушбу худуддан сайланган депутат сифатида mening ҳаётимда ҳам унутилмас воқеа бўлди. Мамлакатимиз етакчиси билан самимий учрашув тафсилотларини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Тошкент вилояти фаоллари, тадбиркор ва фермерлар, зиёлилар, нуруний ва сергайрат ёшлар билан биргаликда бу заминни янада яшатиш, юртимиз тараққиётининг мустаҳкам ҳамда кудратли таънигига айлантириш борасидаги таъкиди эса, шубҳасиз, худуд аҳолисининг янги Ўзбекистон келажакига ишончини, ислохотлар жараёнида шунчаки кузатувчи эмас, фаол қатнашчига айланишига бўлган қатъиятини янада оширди.





Янги босқич, янги масъулият, аниқ натижа

# ҲАР БИР АЁЛ — ДАВЛАТ ЭЪТИБОРИДА, ОИЛА — ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА



**Дилноза КАТТАХОНОВА,  
Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси**

Бошланиши 1-бетда

Оилада ўз вақтида ечилмаган муаммо кейинчалик маҳалла ва жамият миқёсидagi мураккаб ижтимоий масалага айланиши мумкин. Аксинча, битта хотин-қизга ўз вақтида яратилган таълим, касб, даромад ёки ҳуқуқий ҳимоя имконияти бутун оиланинг турмуш тарзи ва фарзандлар келажагини ўзгартиришга қодир. Хотин-қизларга яратилган ҳар бир имконият, аслида, оиланинг иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигига киритилган сармоядир.

Бугун Ўзбекистонда 19,3 миллион нафар хотин-қиз истиқомат қилмоқда. Бу мамлакат аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган улкан интеллектуал, ижтимоий ва иқтисодий салоҳият. Уни тўлиқ рўёбга чиқариш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, билим олиши, касб эгаллаши, муносиб меҳнат қилиши ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун шароит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Бу вазифа инсон капиталини ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, зўравонликнинг олдини олиш ва соғлом авлодни тарбиялаш каби умуммиллий мақсадлар билан узвий боғлиқ.

## Олдимизда турган беш устувор вазифа

Жорий йил 10 июль куни давлатимиз раҳбарининг юксак ишончи билан зиммамизга оила ва хотин-қизлар масалалари билан ишлашга масъуллик вазифаси юклатилди. Бу ишончини, аввало, юртимиздаги ҳар бир аёл ва ҳар бир оила тақдирини учун улкан масъулият деб қабул қилдим.

Президент Администрацияси раҳбари томонидан олдимизга оила ва хотин-қизлар сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган бешта устувор вазифа қўйилди. Уларнинг ҳар бири алоҳида йўналиш бўлса-да, ягона мақсадга — аёл ҳаёти ва оила фаровонлигига аниқ, барқарор ўзгаришларни таъминлашга хизмат қилади.

**Биринчиси**, иқтисодий фаол бўлмаган ҳар бир хотин-қиз билан манзилли ишлашнинг мутлақо янги тизимини яратиш.

**Иккинчиси**, хорижда меҳнат қилаётган хотин-қизлар ва уларнинг оилалари билан тизимли ишлаш, фарзандларини давлат эътибори ва ғамхўрлиги билан қамраб олиш.

**Учинчиси**, оғир ҳаётий вазиятга тушган аёлларни таълим, касб-ҳунар, психологик ва ҳуқуқий ёрдам орқали жамиятга ижтимоий мослаштириш.

**Тўртинчиси**, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик хавфини барвақт аниқлашга хизмат қиладиган электрон тизимни жорий этиш.

**Бешинчиси**, оилаларни мустаҳкамлаш, ажримларни камайтириш, ёшларни оилавий ҳаёт ва никоҳга тайёрлаш ҳамда бепул оилавий психологик хизматлар қўламини кенгайтириш.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раслигида 16 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу вазифаларнинг энг муҳим амалий манзили белгилаб берилди: ислохотлар натижаси, аввало, маҳаллада ва одамларнинг кундалик ҳаётига сезилиши шарт. Давлатимиз раҳбари маҳаллани аҳоли учун ишонч, таянч ва имкониятлар марказига айлантириш, кундалик масалаларни ортиқча оворагарчиликсиз жойида ҳал этиш ҳамда “маҳалла еттилиги”нинг масъулияти ва ташаббускорлигини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Белгилаб берилган ушбу вазифалар мазмунан бир-бирини тўлдиради. Бир томонда,

ҳар бир хотин-қиз ва оиланинг аниқ эҳтиёжи, иккинчи томонда эса бу эҳтиёжни энг яқиндан биладиган, муаммони барвақт аниқлаб, амалий ечимга йўналтира оладиган маҳалла тизими турибди. Олдимиздаги асосий вазифа — оила ва хотин-қизлар билан ишлаш соҳасини маҳаллада аниқ натижа берадиган яхлит бошқарув тизимига айлантириш.

## Ўзгараётган савол ва талаблар

Соҳадаги ислохотлар иш услуби билан бирга фаолиятни баҳолаш мезонларини ҳам ўзгартиришни талаб этмоқда. Энди “қанча тадбир ўтказилди?”, “қанча учрашув ташкил этилди?” ёки “қанча хотин-қиз рўйхатга киритилди?” деган рақамларнинг ўзи етарли эмас. Асосий савол — амалга оширилган чоралар аёл ва унинг оиласи ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар учун замин яратди?

Касбга ўқитилган хотин-қиз доимий даромад манбаига эга бўлдимми? Қўмак кўрсатилган оиланинг муаммоси ҳал этилдимми? Зўравонлик хавфи мавжуд хонадонда оғир оқибат юз бермасидан олдин чора кўрилдимми? Хорижда меҳнат қилаётган онанинг фарзандлари эътибордан четда қолмадимми? Оила қураётган ёшлар никоҳнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий масъулиятини англаб етдимми? Ҳисоботдаги рақам эмас, ана шу саволларга берилган жавоб амалга ошираётган фаолиятимизнинг ҳақиқий самарасини кўрсатади.

Бу ёндашув, айниқса, иқтисодий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан ишлашда муҳим. Биринчи устувор вазифани фақат бўш иш ўрни тақлиф этиш, кредит ажратиш ёки асбоб-ускуна бериш билан бажарилган деб бўлмайди. Хотин-қизнинг иқтисодий фаол эмаслиги ортида касб ва малака етишмаслиги, ёш фарзанд ёки парваршига муҳтож оила аъзосига қараш, саломатлик, транспорт, молиявий савдохонлик ёки бозорга чиқиш имконияти билан боғлиқ турли сабаблар бўлиши мумкин.

Барчага бир хил ечим тақлиф қилиш ўрнига ҳар бир хотин-қизнинг қобилияти, қизиқиши, оилавий шароити ва ҳудуддаги иқтисодий имкониятлардан келиб чиқиб, индивидуал йўналиш белгилаш зарур. Бир аёл учун замонавий касб эгаллаш мақбۇл бўлса, бошқаси учун масофавий меҳнат, кооперация, касаначилик, тадбиркорлик ёки томорқадан даромад олиш маъқул ва самарали бўлиши мумкин.

Ажратилган кредит ёки тугалланган ўқув курси ҳали яқиний натижа эмас. Натижа хотин-қиз иш бошлаганида, махсулоти бозорини топганида, даромади барқарорлашганида ва бу ўзгариш оиласининг турмуш даражасида акс этганида юзга келади. Бунинг учун иш ўрни билан бир қаторда мактабгача



таълим ва кундузги парварिश хизматлари, транспорт, рақамли инфратузилма ҳамда қулай меҳнат шакллари билан ривожлантириш талаб этилади.

## Юксак инсонпарварлик ифодаси

Олдимизга қўйилаётган вазифалар бир нуқтада туташади: аёл қаерда бўлишдан ва қандай ҳаётий вазиятга тушишидан қатъи назар, давлатнинг эътибори ва ҳимоясидан четда қолмаслиги керак. “Ҳеч бир аёл ўз муаммоси билан қолиб кетмаслиги керак”



деган тамойил кундалик шиоримизга айланади. Зеро, ушбу гоя асосида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оилалардаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган юксак инсонпарварлик ифодаси муҳассам.

Хорижда меҳнат қилаётган хотин-қизлар билан ишлашга фақат миграция масаласи сифатида қараш етарли эмас. Аёلнинг

ҳуқуқи, саломатлиги ва оиласининг бутунлиги ҳам муҳим.

Оғир ҳаётий вазиятга тушган хотин-қизлар билан ишлашда ҳам бир хил қолипдан фойдаланиб бўлмайди. Жазо муддатини ўтаб қайтган аёл, зўравонликдан жабрланган она, уй-жойсиз қолган хотин-қиз ёки ногиронлиги бўлган фарзандни ёлғиз тарбиялаётган онанинг эҳтиёжи турлича. Бир марталик моддий

“

**Бугун Ўзбекистонда 19,3 миллион нафар хотин-қиз истиқомат қилмоқда. Бу мамлакат аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган улкан интеллектуал, ижтимоий ва иқтисодий салоҳият. Уни тўлиқ рўёбга чиқариш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, билим олиши, касб эгаллаши, муносиб меҳнат қилиши ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун шароит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишидир.**

хорижга кетиши ортида кўпинча оила даромади, муайян оғир вазиятдан чиқиш ва фарзандлар келажаги туради. Бироқ у ерда иш ҳақининг тайёргарлик, ҳужжатлар билан боғлиқ муаммолар, меҳнат ёки жинсий

ёрдам ёки вақтинча бошпана муаммони енгилаштириш мумкин, аммо унинг сабабларини бартараф этмайди.

Ҳар бир ҳолатни алоҳида, манзилли ўрганиб, ҳуқуқий, тиббий, психологик, таълим ва бандлик масалаларини ягона индивидуал режа асосида ҳал этиш зарур. Мақсад аёлга вақтинча қўмак бериш эмас, уни соғлом ҳаётга руҳлантириш ва яна аввалги носоглом муҳитга тушиб қолишининг олдини олишдир.

Зўравонликка қарши курашда ҳам содир этилган ҳолатни қайд этиш билан чекланмай, хавф белгиларини барвақт аниқлаш ва вазият оғирлашмасидан олдин чора кўришга ўтишимиз керак. Жорий этиладиган электрон тизим ички ишлар, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, таълим, маҳалла ва суд-ҳуқуқ органлари ўртасидаги ҳамкорлиқни таъминлайдиган амалий механизм бўлиши лозим. Такрорий муурожаатлар, тан жароҳатларни, мунтазам низолар, таҳдидлар, болаларнинг дарс қолдириши ва қарамлик билан боғлиқ ҳолатлар хавф даражасини эрта баҳолаш имконини беради.

Технологиянинг ўзи етарли эмас. Ҳар бир хавф сигнали ортидан дарҳол қаратқ қиладиган малакали мутахассислар, аниқ алгоритм, хавфсиз жой, тиббий, психологик ва ҳуқуқий ёрдам бўлиши шарт. Шахсий маълумотлар дахлсизлиги, махфийлик ва жабрланувчининг хавфсизлиги эса қатъий таъминланади.

## Оила мустаҳкамлиги маҳалладан бошланади

Бешинчи устувор вазифа — оилаларни мустаҳкамлаш, ажримларни камайтириш, ёшларни никоҳга тайёрлаш ва аҳоли учун бепул психологик хизматларни кенгайтиришдир.

Оила мустаҳкамлигини никоҳнинг расман сақланиб қолиши билангина баҳолаб бўлмайди. Доимий низо, зўравонлик ёки иқтисодий қарамлик, маънавий ва руҳий босимлар

ҳукм сурган оилани ҳар қандай йўл билан сақлаб қолишга уриниш мақсадимиз эмас. Асосий мақсад — ўзаро ҳурмат, ишонч, меҳр ва масъулиятга асосланган оилалар сонини кўпайтириш.

Бунинг учун ишни муаммо пайдо бўлганидан кейин эмас, ёшлар оила қуриш остана-сига келмасидан аввал бошлаш зарур. Уларни тўйга эмас, оилавий ҳаётга тайёрлашимиз лозим. Никоҳнинг ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатлари, оила бюджети, фарзанд тарбияси, соғлом мулоқот ва низоларни ҳал этиш маданияти бўйича ҳаётий билимлар кўплаб муаммоларнинг олдини олади. Бу масъулият фақат қизларга эмас, йигитларга ҳам бирдек тааллуқли.

Оилавий психологик хизматлар аҳоли учун яқин, сифатли ва махфий бўлиши керак. Психологга ажрим ёқасига келганда эмас, дастлабки тушунмовчиликлар пайдо бўлган пайтда муурожаат қилиш маданиятини шакллантириш муҳим.

Бу ишлардан кутилаётган натижа, аввало, маҳаллада намоён бўлади. Оиланинг ҳақиқий ҳолати, хотин-қизнинг эҳтиёжи ва боланинг муаммоси биринчи галда шу манзилда кўрилади. Хотин-қизлар фаоли вазиятини барвақт сеза оладиган муҳим бўгин, аммо барча масалалар учун яқна ўзи жавобгар эмас. У муаммони аниқлаб, тегишли мутахассисга йўналтиради ва ечимгача бўлган жараён учун даъвогар бўлиши керак. Маҳалладаги масъуллар эса муайян оила манфаати учун ягона жамоа сифатида бирлашгани шарт. Маҳалла муаммони бошқа идорага узатадиган эмас, ечим шаклландиған асосий манзилга айланиши керак.

Ижтимоий ёрдамнинг ҳақиқий эҳтиёж-мандга етиб бориши ҳам давлатга ишонч билан боғлиқ. Муҳтож оилани ижтимоий реестрдан четда қолдириш — уни қафолатланган қўмақдан маҳрум этиш, муҳтож бўлмаган шахсни манфаат ёки таниш-билишчилик асосида рўйхатга киритиш эса бошқа бир оиланинг ҳақиқа нисбатан таъжовўзидир. Шунинг учун ҳар бир қарор аниқ мезонлар, ҳолис маълумот ва шахсий масъулиятга асосланиши шарт.

## Хотин-қизларни қўллаб-қувватлашнинг яхлит тизими

Белгиланган вазифалар ижроси бўйича дастлабки амалий ишларни бошладик. Масъул вазирлик ва идоралар иштирокидаги ишчи гуруҳ йиғилишида оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашнинг яхлит тизимини яратиш, давлат бошқарувини такомиллаштириш ва бешта устувор вазифани амалга ошириш механизмлари муҳокама қилинди. Маҳалладан республика даражасигача бўлган ҳамкорлиқни кучайтириш, вазифалар тақдорланишига йўл қўймаслик ва ҳар бир ҳолатга индивидуал ёндашувини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш ҳамда махсус штаб фаолиятини йўлга қўйиш белгиланди.

Оила ва хотин-қизлар билан боғлиқ вазифаларни бир идора имконияти билан ҳал этиб бўлмайди. Бандлик ва банк тизими, тиббиёт, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим,

ижтимоий ҳимоя, маҳалла, психологлар ва жамоатчилик бир мақсад йўлида ҳаракат қилгандагина яхлит натижага эришилади. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ана шу ҳамкорликни мувофиқлаштирувчи ва барча даражада аниқ натижага даъвогарлик қилувчи марказга айланади.

Яқин истиқболда қуйидаги устувор йўналишларда тизимли иш олиб борамиз.

**Биринчидан**, ҳар бир маҳалланинг оила ва хотин-қизлар билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий харитасини шакллантираимиз. Унда муаммолар билан бирга бўш иш ўринлари, касбга талаб, ижтимоий хизматлар ва тадбиркорлик ресурслари ҳам акс этади.

**Иккинчидан**, ҳар бир мураккаб ҳолат учун индивидуал иш режаси ва масъул мутахассис белгилаймиз. Фуқаро идорама-идора юрмайди, давлат тизими унинг муаммоси ортидан ҳаракат қилади.

**Учинчидан**, хотин-қизларни иқтисодий фаоллаштириш дастурларини ҳудуд ихтисослашуви ва бозор талабига боғлаймиз. Касбга ўқитишдан олдин реал иш берувчи ёки маҳсулот бозори аниқланади, молиявий қўмак эса маслаҳат ва савдо занжири билан уйғунлаштирилади.

**Тўртинчидан**, “Хориждаги аёл ва унинг оиласи” комплекс дастурини ишлаб чиқамиз. У хавфсиз миграция, хорижда ҳуқуқий ҳимоя, фарзандлар билан ишлаш ва ватанига қайтган аёлни муносиб иш билан таъминлашни ягона тизимда қамраб олади.

**Бешинчидан**, зўравонлик хавфини барвақт аниқлаш электрон тизимини аниқ ҳаракат алгоритми билан жорий этамиз. Ҳар бир сигналга ким, қанча вақт ичида ва қандай чора билан жавоб бериши белгилаб қўйилади.

**Олтинчидан**, оилавий психологик хизматларнинг ягона миллий стандартини ишлаб чиқиб, мутахассислар малакаси, хизмат сифати, махфийлик ва натижани баҳолаш мезонларини белгилаймиз. Масофавий маслаҳат ва тезкор психологик ёрдам имкониятлари ҳам кенгайтирилади.

**Еттинчидан**, ёшларни никоҳга тайёрлаш тизимини тубдан янгиллаб, ҳуқуқшунос, психолог, шифокор, иқтисодчи ва тажрибали оилалар иштирокида ҳаётий вазиятларга асосланган дастурларни жорий қиламиз.

**Саккизинчидан**, маҳалладаги хотин-қизлар фаолларининг ижтимоий диагностика, оила психологияси, музокара, зўравонлик хавфини аниқлаш, бандлик ва тадбиркорлик бўйича билимларини мунтазам ошириб борамиз.

**Тўққизинчидан**, ҳудудлар фаолиятини тадбирлар сони билан эмас, ҳал этилган муаммоларнинг барқарорлиги, аёллар даромадининг ошиши, такрорий зўравонлик ҳолатларининг камайиши ва фуқаролар розилиги билан баҳолаймиз.

**Ўнинчидан**, жамоатчилик билан очиқ мулоқот ва қайта алоқани кучайтираимиз. Ҳар бир муурожаатни тизимни такомиллаштириш учун сигнал, асосли танқиди эса хулоса чиқариш учун имконият сифатида қабул қиламиз.

## Ишончини амалий натижа билан оқлаймиз

Бугун оила ва хотин-қизлар соҳасида ишлашнинг янги босқичига қадам қўйяпмиз. Бу босқичда муаммо юзга келгандагина кейин чора кўриш эмас, уни барвақт аниқлаш, барчага бир хил ёндашув эмас, ҳар бир инсоннинг ҳаётий шароитига мос ечим топиш, бажарилган ишлар сони эмас, уларнинг барқарор натижаси асосий мезон бўлади.

Зеро, олдимиздаги энг асосий мақсад — оила институтини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларга оид ҳар қандай муаммони барвақт аниқлаш, манзилли ҳал қилиш ва барқарор натижага эришадиган яхлит тизимни қарор топтириш.

Бу масъулият йўлида тегишли вазирлик ва идоралар, ҳудуд раҳбарлари, маҳалла тизими, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари имкониятларини ягона мақсад атрофида бирлаштиришга ҳаракат қиламиз. Ҳеч бир муурожаат шунақча қайд этилиб, ҳеч бир муаммо бир идорадан бошқасига йўналтириш билан қолиб кетмаслиги лозим.

Биз фаолиятимизни қабул қилинган қарорлар ёки тузилган режалар билан эмас, ҳал этилган муаммолар, мустақил даромадга эга бўлган хотин-қизлар, хавфдан асралган тақдирлар ва мустаҳкамланган оилалар билан исботлашимиз керак. Юксак ишончини оқлашнинг энг тўғри йўли ҳам шу, соҳадаги амалий ўзгаришларни ҳар бир маҳалла ва ҳар бир хонадон ҳаётига олиб кириш.



# БАРҚАРОР ЭНЕРГЕТИКА

## ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ БОШ ОМИЛИ

Бугун энергиянинг қадрини англаш учун мутахассис бўлиш шарт эмас. Бир неча дақиқага ўчган чирок, тўхтаб қолган ишлаб чиқариш ёки электрсиз қолган хонадоннинг ўзиёқ унинг нақадар беқийёс неъмат эканини ҳис эттиради. Зеро, энергия иқтисодиётнинг нафаси, саноатнинг ҳаракатлантирувчи кучи, тадбиркорнинг ишончи ва миллионлаб инсонларнинг кундалик ҳаётини бир маромда ушлаб турадиган ҳаётий манбадир.

Дунёда энергетикага муносабат кескин ўзгармоқда. Асосий эътибор энди электр ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан чекланмайдиган. Мавжуд қувватлардан оқилона фойдаланиш, ҳар бир киловатт-соатнинг ҳисобини юритиш, йўқотишларни қисқартириш ва энергияни истеъмолчига узлуksиз етказиб бериш стратегик вазифага айланди. Чунки ҳар бир йўқотилган киловатт-соат иқтисодиётнинг бой берилган имконияти, ишлаб чиқарилмай қолган махсулот, аҳоли учун яратилмаган қулайликдир.

Энергияга эҳтиёж кескин ортиб, унинг аҳамияти тобора ошиб бораётган бугунги мураккаб даврда энергетика тизими барқарорлиги ҳар бир давлат учун муҳим масалага айланмоқда. Чунки замонавий иқтисодиётнинг бирор тармоғи энергия таъминотисиз тўлиқ ривожлана олмайди.

27 июль кунини давлатимиз раҳбари расислигига ёқилган энергетика тармоғидаги келгусидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишини ҳам бу борада алоҳида аҳамият касб этди.

Сўнги ўн йилда Ўзбекистон энергетика соҳасида катта ўзгаришлар даврини бошидан кечирди. Соҳага ҳусусий сектор ва хорижий инвесторларни жалб қилиш учун зарур ҳуқуқий ҳамда ташкилий асослар яратилди. Оқибатда энергетика тармоғига 23 миллиард доллар хорижий инвестиция кириб келди, ҳудудларда умумий қуввати 9,5 гигаватт бўлган янги электр станциялари ишга туширилди.

Бирок энергетикадаги ўзгаришлар фақат янги станциялар ва жалб қилинган инвестициялар билан ўлчанмайди. Асосий мезон — имкониятларнинг одамлар ҳаёти ва иқтисодиётда қандай самара бериши. Шу боис, кейинги босқичда эътибор мавжуд тармоқларни мустаҳкамлаш, ишончилигини оширишга қаратилди. Электр ва газ тармоқлари, подстанциялар, трансформаторлар ҳамда газ тақсимлаш қурилмаларини янгилаш учун йўналтирилган 30 триллион сўм ана шу мақсадга хизмат қилди. Чунки замонавий энергетика нафақат қувват яратишни, балки уни истеъмолчига сифатли ва узлуksиз етказиб беришни ҳам талаб қилади.

Катта тизимларнинг ҳолати баъзан энг оддий жараёнларда намоён бўлади. Яратилган қувватлар, янгиланган тармоқлар ва йирик сармояларнинг самараси бир саволнинг жавоби билан баҳоланади: ўзгаришлар одамлар ҳаётида қай даражада сезилмоқда?

Чунки энергетикадаги ҳар бир узилиш ортида муайян оқибат бор. Электр таъминотидаги муаммо хонадондаги кундалик эҳтиёжларга, тадбиркорлик фаолиятига ва ишлаб чиқариш суръатларига таъсир қилади. Шунинг учун тизимдаги ҳар бир қарорнинг асосий баҳоси унинг инсон ҳаётидаги самарасидир.

Бугун соҳа олдида турган вазифа янги қувватларни кўпайтириш билан бирга мавжуд имкониятларни тўғри бошқаришдан иборат. Аниқ ҳисоб, кучли назорат ва шахсий масъулият энергетика тизимининг энг муҳим таянчларига айланди.

Жорий йилнинг июнь-июль ойларида электр тармоқларида қарийб 4 мингта авария содир бўлган, айрим ҳудудларда аҳоли ва тадбиркорлар 8-10 соатгача электрсиз қолгани тизимда олдиндан режалаштириш ва профилактика ишларини кучайтириш зарурлигини кўрсатди. Тармоқдаги 17,2 фоизли



## Муносабат

2017 йилда Австрияга тахсил олиш учун кетганимда келажак фаолиятимни қайси йўналишда ва қаерда давом эттириш ҳақида турли режаларим бор эди. Аммо кейинги йилларда юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, тадбиркорлик учун яратилаётган янги имкониятлар ва шаклланаётган қулай инвестиция муҳити ватанга қайтиш қароримни мустаҳкамлади. Бугун Президентимиз билан тадбиркорларнинг очик мулоқоти арафасида ортга назар ташлар эканман, ўша қарор ҳаётимдаги энг муҳимларидан бири бўлганини яна бир бор ҳис қиламан.

Австрияда ўтган йиллар мен учун катта ҳаёт ва иқтисодий тажриба мактаби бўлди. У ерда ривожланган давлатларда иқтисодиёт қандай шаклланиши, ҳусусий сектор қандай қўллаб-қувватланиши, инвесторлар қарор қабул қилишда қайси омилларга эътибор қаратиши каби жараёнларни яқиндан ўргандим.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда кечаётган ислохотларни ҳам доимий кузатиб бордим. Кейинги йилларда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, бизнесга қулай шароитлар яратиш, ҳусусий секторнинг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш борасида қилинаётган ишлар менда катта қизиқиш уйғотди. Бу ўзгаришларни нафақат ўзим, балки хориждаги ҳамкорларимиз муносабатидан ҳам кўрдим. Австрия ва Германиядаги тадбиркорлар билан суҳбатларимиз давомида уларнинг Ўзбекистон бозорига қизиқишини орттириб бораётгани, мамлакатимизда яратилаётган имониятлар улар учун ҳам муҳим омилга айланаётганини ҳис қилдим.

2022 йилда Ўзбекистонга қайтиб, Австрия ва Германиядаги ҳамкорларимиз билан музокаларини бошладик. Биз уларга нафақат тайёр бизнес режаларимиз, балки юртимиздаги иқтисодий ўзгаришлар, тадбиркорлар учун яратилаётган шароитлар ва келажакдаги имкониятлар ҳақида ҳам сўзлаб бердик.

Натижада Австрия ва Германиядан 15 миллион евро миқдорида тўғридан тўғри инвестиция жалб қилиниб, “Agro Food Gastro” корхонаси ташкил этилди. Бу лойиҳа биз учун нафақат инвестиция, балки мамлакатимизда шаклланаётган янги иқтисодий муҳитга ишончининг амалий натижаси бўлди.

Корхонамиз фаолиятини паррандачилик соҳасида замонавий кластер таъминоти асосида йўлга қўйдик. Чунки бу соҳани фақат туҳум ёки гўшт ишлаб чиқариш билан чеклаб бўлмайди. Бугун корхоналаримиз насли паррандалар олиб келади, инкубацион туҳум, замонавий технологиялар асосида ем ишлаб чиқаради, истеъмол туҳуми этиштиради ва тайёр махсулотлар ички

электр энергияси йўқотишлари ҳам соҳадаги катта заҳиралардан бири ҳали тўлиқ ишга солинмаганини англатади. Олти ойда йўқотилган 4,8 миллиард киловатт-соат электр энергияси оддий рақам эмас. Бу тежаш, самарадорлиқни ошириш ва бошқарув сифатини яхшилаш орқали қайтариш мумкин бўлган катта имконият.

Рақамлаштириш жараёнида ҳам асосий мақсад аниқликка эришишдир. ASKUE ва ASKUG тизимларида маълумотлар тўлиқ акс эттандагина истеъмолни назорат қилиш, йўқотишларни камайтириш ва тизимни самарали бошқариш имконияти ортади.

Шу боис, энди энергетика тизимига ҳудудлар кесимида ёндашув жорий этилмоқда.

Туманбай ва маҳаллабай ишлаш таъминоти орқали ҳар бир ҳудуднинг электр ва газга бўлган эҳтиёжи аниқ ҳисобланади, қайси маҳаллада қайси тармоқ, трансформатор ёки газ қурилмаси янгиланиши зарурлиги олдиндан белгилана олинади. Ёндашувнинг аҳамияти шуки, энди муаммога унинг оқибати юзгага келгандан кейин эмас, олдиндан ечим излаш имконияти пайдо бўлади.

Аварияларни камайтириш, йўқотишларни қисқартириш ва ҳисоб-китобни аниқ йўлга қўйиш учун ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос режаси шакллантирилади.

Бу борада тажрибани, аввало, алоҳида ҳудудда сынаб, кейин кенг татбиқ этиш кўзда тутилган. Янги тизим учун танланган Янгийўл туманидаги 51 та маҳаллада аҳоли, тадбиркорлар ва ижтимоий объектларнинг электр ҳамда газга эҳтиёжи чуқур ўрганилди.

Аслида, гап фақат эски тармоқларни таъмирлаш ёки янги қурилмалар ўрнатиш ҳақида эмас. Асосий вазифа ҳудудларнинг эртанги эҳтиёжини олдиндан кўра билиш, аҳоли ва бизнес учун узлуksиз ҳамда сифатли энергия таъминотини йўлга қўйишдир. Янгийўл туманида синондан ўтаётган макув тажриба келгусида республика миқёсида янгича ишлаш таъминоти айланди.

Энергетикада келажак учун энг муҳим ўзгаришлардан бири қарорларни аниқ маълумотларга таяниб қабул қилишдир. Чунки замонавий тизимни фақат кўпроқ ресурс билан эмас, тўғри таҳлил ва тезкор бошқарув билан ҳам самарали ишлатиш мумкин.

Шу маънода, соҳада рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини кенг

жорий этиш янги босқични бошлаб беради. Энди электр ва газ таъминотидаги жараёнлар — энергия ишлаб чиқаришдан тортиб, уни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган барча босқичлар ягона таҳлил асосида бошқарилади.

Янги катта тизимларни самарали бошқариш учун кўриш мумкин бўлмаган жараёнларни ҳам аниқ кўра билиш керак. Шу жиҳатдан ASKUE ва ASKUG маълумотларини сунъий интеллект асосида таҳлил қилиш орқали шубҳали истеъмол, ортиқча йўқотишлар ва қарздорлик ҳолатларини тез аниқлаш имконияти пайдо бўлади.

Яна бир муҳим жиҳат, энергетикада натижага асосланган бошқарув тизими шакллантирилади. Энди раҳбар ва ходимлар фаолияти авариялар сони, энергия йўқотишлари, қарздорлик даражаси ва таъмирлаш ишлари баҳарлилиги каби аниқ кўрсаткичлар орқали баҳоланади. Оқибатда шахсий масъулият кучаяди. Куз-қиш мавсуми олдиндан белгиланган вазифалар ҳам шу ёндашув асосида амалга оширилади. Бугун табиий газ етказиб беришда қийинчиликлар мавжуд бўлган 1916 та маҳалла бор. Энди бу ҳудудлардаги эҳтиёж алоҳида ўрганилиб, хонадонларни иситиш тизими, электр инфратузилмаси ва қўшимча энергия манбалари бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилади.

Чунки энергетикада барқарорлик тасодифий қарорлар билан таъминланмайди. Бунинг учун олдиндан аниқ ҳисоб-китоб, пухта режа ва масъулиятли бошқарув талаб этилади. Ёнг муҳим масала мавжуд ресурсларни истеъмолчига ўз вақтида ва самарали етказиб беришдир. Суьоттирилган газ таъминотидаги бугунги вазифалар ҳам ана шу талабдан келиб чиқади. Ҳозир 3 миллион 700 минг хонадон ушбу турдаги ёқилгандан фойдаланмоқда. Тизим рақамлаштирилиб, тартибга солинган бўлса-да, газни кафолатли ва ўз вақтида етказиб бериш масаласи ҳали ҳам долзарблигича қолмоқда.

Бунда ҳусусий сектор имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш муҳим. Энди тадбиркорларга ўзи импорт қилган ёки бижрадан сотиб олган суьоттирилган газни аҳоли ва бизнес субъектларига етказиб бериш имконияти яратилади. Дастлабки тажриба сифатида Андижон вилоятида йўлга қўйилган ушбу тизим йил якунига қадар шакллантирилиб, кейинчалик бошқа ҳудудларга ҳам татбиқ этилади.

Соҳадаги янгиланишлар замирида оддий, аммо муҳим мақсад мужассам: истеъмолчини энергия билан таъминлаш жараёни янада ишончли ва қулай қилиш, хизмат

кўрсатиш сифатини ошириш. Чунки энергетикада натижа фақат ишлаб чиқарилган ресурс ҳажми билан эмас, унинг аҳоли ва тадбиркорларга қай даражада ўз вақтида, барқарор ва самарали етказиб берилиши билан ҳам белгиланади. Шу йўлда суьоттирилган газ ишлаб чиқариш ҳажмини 520 минг тоннадан 606 минг тоннага етказиш, газ баллонлари ҳажминини хонадонларнинг ҳақиқий эҳтиёжидан келиб чиқиб белгилаш, ташиш ва сақлаш тизимини халқаро талаблар асосида тақомиллаштириш вазифалари белгиланмоқда. Натижада суьоттирилган газ

таъминотида тасодифий ёндашувлар ўрнига аниқ ҳисоб-китобга асосланган, истеъмолчи манфаатини биринчи ўринга қўядиган тизим шаклланади.

Энергетикадаги ислохотларнинг яна бир муҳим йўналиши — инсон капитали. Чунки энг замонавий технология ҳам уни бошқара оладиган билимли мутахассисларсиз қутилган натижани бермайди. Бугун 25 та техника олий таълим муассасасида йилига 5,5 минг энергетика мутахассиси тайёрланмоқда. Аммо меҳнат бозори талаби билан таълим жараёни ўртасидаги узилиш сабаб айрим битирувчиларнинг касби бўйича тўлиқ шаклланишига 2-3 йил вақт кетмоқда.

Шунинг учун энергетика тизимида янги ёндашув шаклланипти. Бугунги соҳага фақат назарий билимга эга эмас, балки замонавий технологияларни тушунадиган, амалиётда қарор қабул қила оладиган мутахассислар зарур. Шу мақсадда ўқув дастурлари янгиланиб, лаборатория ва полигонлар замонавий талабларга мослаштирилади. Янги ўқув йилидан 3-курс талабаларининг ярми, 4-курс талабаларининг барчаси дуал таълим тизимига жалб этилади.

Чунки энергетиканинг келажак фақат янги станциялар ва тармоқлар билан белгиланмайди. Уларни бошқарадиган, рақамли технологиялардан фойдалана оладиган ва соҳанинг янги талабларига жавоб берадиган кадрлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бугун тайёрланаётган мутахассислар эртанги энергетик барқарорлик ва мустақиллиқнинг асосий таянчига айланади.

Энергетикадаги ҳар бир ўзгариш ортида инсон ҳаёти, мамлакат иқтисодиёти ва келажак тараққиётига дахлдор улкан мақсад мужассам. Чунки энергия оддий ресурс тушунчасидан анча кенг маънони англатади. У хонадонлардаги осойишталик, ишлаб чиқаришдаги ҳаракат, тадбиркорликдаги ишонч ва жамият тараққиётини таъминлайдиган ҳаётий кучдир.

Бугун соҳадаги ислохотларнинг мазмуни шу ҳақиқатга бориб тақалади: яратилган қувватлар, йўналтирилаётган сармоялар ва жорий этилаётган замонавий технологиялар инсон манфаатига хизмат қилиши керак. Чунки энергетикадаги ҳар бир қарор, аввало, хонадонлардаги ёруғликда, корхоналарнинг барқарор ишда, янги имкониятлар юзгага келишида яққолроқ намоён бўлади.

Тизимни рақамлаштириш, энергия йўқотишларини камайтириш, ҳудудларда аниқ ҳисоб-китоб асосида ишлаш ва замонавий билимга эга мутахассисларни тайёрлаш ягона мақсадга хизмат қилади. У ҳам бўлса, ҳар бир инсон ўз ҳаётида сезадиган ишончли, барқарор ва самарали энергетика тизимини шакллантиришдир.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

## ИМКОНИЯТ БЕРИЛСА, НАТИЖА БЎЛАДИ

ҳамда ташқи бозорларга етказиб берилади. Бу ягона иқтисодий занжирдир.

Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги корхоналаримизда 500 га яқин юртдошимиз меҳнат қилмоқда. Ҳозир махсулотларимиз ички бозор билан чекланиб қолмаяпти. Йилига 10 миллион доллар миқдорида махсулот экспорт қилиялмиз. Корхоналаримизнинг йиллик айланмаси 500 миллион сўмга яқинлашди. Бу натижаларга эришишда тадбиркорлик учун яратилаётган имкониятларнинг ўрни катта.

Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшилган қиймат солиғи бўйича жорий этил-

ган механизмлар ишлаб чиқарувчилар учун муҳим қўллаб-қувватлаш бўлди. Биз бу имкониятдан самарали фойдаланиб, қайтарилаётган маблағларни яна ишлаб чиқаришга йўналтирмоқдамиз.

Корхоналаримизда қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳар ой ўртача 2-3 миллиард сўм қайтарилимоқда. Маблағ янги ускуналар харид қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, технологияларни янгилаш ва иш ўринлари яратишга сарфланмоқда.

Менимча, давлат ва тадбиркор ўртасидаги ҳамкорлиқнинг энг муҳим жиҳати ҳам шунда. Давлат томонидан яратилган



имконият тадбиркор зиммасига масъулият юклайди. Бу имкониятлар аниқ натижа билан оқланishi керак.

Президентимизнинг тадбиркорлар билан очик мулоқотлари ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Ушбу мулоқотларда тадбиркорнинг тақлифлари эшитилади, муаммоларга ечим изланади ва янги ташаббусларни амалга ошириш учун имкониятлар яратилади.

2024 йил 20 август кунини давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан очик мулоқотида қатнашиш мен учун катта шараф бўлди. Мулоқот давомида Самарқанд туманидаги Оҳалик массивининг тоғли ҳудудида 7 гектар майдонда замонавий дам олиш маскани барпо этиш режамиз ҳақида гапирдим. Қиймати қарийб 15 миллион долларга тенг бўлган ушбу лойиҳа тўлиқ амалга оширилганда йилига 300 мингга яқин меҳмонга хизмат кўрсатиш имкониятини яратди.

Жорий йил май ойида лойиҳанинг биринчи босқичини ишга туширдик. Бу босқичга қарийб 5 миллион доллар инвестиция йўналтирилди. Ёнг аҳамиятлиси, маблаг ташқи қарз ёки қўшимча сармоя эмас, балки ўзимизнинг ишлаб чиқариш корхоналаримиз фаолиятдан олинган даромадлар ҳисобидан амалга оширилди.

Бу биз учун муҳим тажриба бўлди. Бир соҳада яратилган барқарор ишлаб чиқариш бошқа соҳалар ривожини учун ҳам асос бўла олади. Қишлоқ хўжалигида яратилган қиймат бугун туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасига инвестиция бўлиб кирмоқда.

Оҳаликдаги лойиҳамизнинг асосий мақсади табиат имкониятларини замонавий инфратузилма билан уйғулаштириш, ички



Бекзод АХМЕДОВ,  
Самарқанд вилоятидаги  
“Agro Food Gastro”  
корхонаси раҳбари

туризмни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва ҳудуд иқтисодиётида янги имкониятлар очишдир.

Венада таҳсил олган йилларимда турли иқтисодий моделларни ўргандим. Аммо энг катта сабоқни ўз юртимдаги фаолиятим давомида олдим: иқтисодиётнинг марказида инсон манфаати тургандагина ривожланиш барқарор бўлади. Шунинг учун ҳам ватанга қайтиш қароримни ҳаётимдаги энг тўғри қарорлардан бири деб биламан. Биз бу ерда фақат корхоналар қуриш эмас, балки янги имкониятлар яратиш, одамларни иш билан таъминлаш ва мамлакатимиз иқтисодий салохиятини оширишга ҳисса қўлишни мақсад қилганимиз. Чунки тараққиёт яратилган иш ўринларида, янги гоьларда ва инсонларнинг эртанги кунга интилишида намоён бўлади.





# ИЛМ БОЗОРГА ЧИҚИШИ УЧУН БИТТА ИДОРА ЭМАС, БУТУН ЗАНЖИР ИШЛАШИ КЕРАК

Бугун илм-фан, таълим, ишлаб чиқариш ва инновацияни бир-бирига боғлаш масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилмоқда. Асосий талаб аниқ, илмий натижа факат ҳисобот, мақола ёки диссертация доирасида қолиб кетмаслиги, иқтисодиётга, тармоқларга ва одамлар ҳаётига реал фойда бериши керак. Чунки илм-фан натижаларини тижоратлаштириш битта қарор, битта танлов ёки битта ташкилот билан ҳал бўладиган иш эмас.

Президентимиз таъбири билан айтганда, илмсиз, инновациясиз олдимизга қўйган мақсадларга ҳеч қачон эриша олмаймиз. Ҳисобот учун эмас, натижа учун ишлаш керак.

Ана шу гап илм-фанны тижоратлаштиришнинг энг қисқа ва энг аниқ мазмунидир.

Мамлакатимизда мазкур йўналишда механизмлар бор. Илмий лойиҳалар молиялаштирилади, стартаплар қўллаб-қувватланади, тажриба-синов ва тижоратлаштиришга тайёрлаш бўйича танловлар ўтказилмоқда. 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясида ҳам иқтисодиётнинг барча тармоқларида инновациялар ва технологияларни кенг тағбиқ этиш мақсади белгиланган. Шу билан бирга, ҳужжатнинг ўзида реал секторда илмий ва инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш даражаси, илм-фан, таълим ва саноат ўртасидаги ҳамкорлик ҳали паст экани очик кўрсатилган. Демак, масала йўналишини ҳаётда тўлиқ ишлайдиган тизимга айлантиришда. Чунки тижоратлаштиришни фақат битта ваколатли орган ёки унинг тизимидаги битта ташкилот зиммасига ташлаб қўйиш билан тизимдаги эришиш қийин. У ташкилот йўли очиши, танлов эълон қилиши, платформа яратиши, мувофиқлаштириши мумкин. Лекин ишланма ҳаётга чиқиши учун тармоқ вазириги муаммони аниқ айтиши, корхона синов майдонини бериши, университет олимни тайёрлаши, тадбиркор бозорини топиши, инвестор таваккал қилиши керак. Бу ёндашув бежиз эмас. Давлатимиз раҳбарининг турли соҳа ва тармоқларни ривожлантиришга қаратилган қарорларда ҳам илмий ҳақмдор ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ҳар йили “Йўл хариталари” асосида лойиҳаларни амалга ошириш, бунда тармоқ ташкилотларининг ўз маблағлари ва имкони-ятларидан фойдаланиш вазифалари белгилаб берилмоқда. Яъни инновация фақат илмий ташкилотнинг иши эмас. Ҳар бир тармоқ ўз муаммосини илм билан ечишга масъул бўлиши керак.

Халқаро тажрибада ҳам шундай. АКШда умумий сиёсат “Bayh-Dole” тизими орқали белгиланади: давлат маблағи ҳисобига яратилган ихтиролар университет ва ташкилотлар томонидан бошқарилади, патентланиб, амалиётга олиб чиқилади. Амалий иш эса университетнинг “Technology Transfer Office” ёки “Technology Licensing Office”лари орқали юритилади.

Масалан, Маскасусетс технология институтида “Technology Transfer Office” ўқув юрти томонидан патентланган ишланмаларни компанияларга лицензиялади, компаниянинг бизнес модели, бозори, ресурси ва маҳсулотни тижоратлаштириш имкониятини баҳолайди. Стэнфорд университетига эса “Office of Technology Licensing” технологияларни баҳолайди, бозорга мослайди, компаниялар билан ишлайди. Лицензия муваффақиятли бўлса, раойлдан олимлар, кафедра ва университет ҳам манфаатдор бўлади.

Буюк Британияда эса бу занжир миллий инновацион экотизим сифатида ишлайди. “Innovate UK Catapult Network” бизнес, академик мухит, ҳукумат, регуляторлар, инвесторлар ва фойдаланувчиларни бир жойга боғлаб, технологияларни лабораториядан бозорга олиб чиқишга ёрдам беради. Улар реал шaroитда синов майдонлари, R&D — Research and Development (илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари) инфратузилмаси, бозор таҳлили, молиялаштиришга чиқиш ва тижоратлаштириш бўйича кўмак беради.

Демак, халқаро тажрибадан хулоса шуки, миллий даражада сиёсат, қонда ва молиялаштириш мувофиқлаштирилади. Университет ва илмий ташкилотларда технологиялар трансфери офиcлари ишлайди, тармоқ марказлари, корхоналар, тадбиркорлар ва инвесторлар эса ишланмани бозорга олиб чиқади. Бизда ҳам тижоратлаштириш занжирини шундай ишлаши керак. Аввал ҳар бир тармоқ ўзининг орғиқли муаммосини аниқ ёзади. Масалан, сув тежаш, ҳосилни ошириш, энергия сарфини камайтириш, касалликни эрта аниқлаш, маҳсулот



Асрор НОРОВ,  
Инновацион ривожланиш  
агентлиги директори  
вазифасини бажарувчи

таннарҳини тушириш ёки таълим сифатини юксалтириш. Кейин шу муаммо илмий буюртмага айлантирилади. Олим мавзунини фақат “Ўзимга қизик” деб эмас, ечимни қўталаётган муаммога боғлаб танлайди.

Учинчи босқичда олим ёлғиз қолдирилмайди. Унинг ёнига корхона, тармоқ мутахассиси ва бозорни тушунадиган маслаҳатчи бириктирилади. Чунки илмий гоя бошидан амалиёт билан боғланмаса, кейин уни бозорга олиб чиқиш қийинлашади.

Тўртинчи босқичда ишланма лабораторияда қолиб кетмайди. Уни далада, цехда, клиникада, мактабда ёки корхонада синов қўриш учун алоҳида маблағ ва шароит яратилади.

Бешинчи босқичда технологиялар трансфери жамоаси ишга тушади. У патент, лицензия, бозор таҳлили, бизнес модель, инвестор билан музокара ва ҳуқуқий ҳимоя масаласида олимга ёрдам беради.

Олтинчи босқичда ишланма ҳали синовдан ўтаётган пайтдаёқ унинг бозор эгаси аниқланади. Технологиялар трансфери офиси ёки тижоратлаштиришга масъул жамоа тадбиркор ва инвестор билан боғланиб, бу маҳсулот кимга керак, қандай сотилади, қанча туради ва уни кенгайтириш мумкинми — шу саволларга жавоб топади. Шунда ишланма тайёр бўлгандан кейин харидор излаб юрилмайди, аксинча, бозор талаби бошидан ҳисобга олинади.

Еттинчи босқичда манфаат аниқ тақсимланади. Ишланма даромад келтирса, олим ҳам, илмий ташкилот ҳам, тадбиркор ҳам манфаатдор бўлиши керак. Манфаат бўлмаса, ҳаракат сусаяди. Саккизинчи босқичда натижа реал қўлсаткилар асосида қўлланади. Галвир сўвдан кўтарилганда ўртага ташланадиган савол “Нечта мақола ёзилди” эмас, “Ишланма қаерда ишлади, қанча харажатни тежади, кимга фойда берди, қанча даромад келтирди?” каби шаклда берилиши керак.

Шу нуқтада Президентимизнинг яна бир муҳим талаби ёдга тушади. 2026 йил 3 апрель куни давлатимиз раҳбари олий таълим, фан ва инновациялар тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар тақдироти билан танишишни жараёнида илмий кластерлар маҳаллий ҳароёнида илмий таълим ташкилотлари, илмий муассасалар ҳамда саноат корхоналари ҳамкорлигидаги консорциум сифатида ишлаши белгиланди. Шунингдек, илмий ишланмаларни тижоратлаштиришни кенгайтиришга қаратилган янги тизим тақлиф этилди.

Бу нимани англатади? Тижоратлаштириш энди “олим яратади, кейин кимдир сотади” деган эски ёндашув билан эмас, консорциум, кластер, тармоқ ва бозор бирга ишлайдиган тизим орқали ривожланиши керак.

Илм-фанны тижоратлаштириш нима учун муҳим? Чунки илм жавонда ётса — харажат. Амалиётга кирса — даромад. Корхонада ишласа — технология. Одамларга фойда берса — тараққиёт.

Илмнинг қадрини фақат мақола, патент ёки диссертация билан эмас, ҳаётда қайси муаммони ҳал қилгани билан ҳам ўлчаниши керак. Шунинг учун тижоратлаштириш олимни бозорга ҳайдаш эмас. Бу юқорида келтирганимиз — ҳисобот учун эмас, натижа учун ишлаш тамойилини илм-фан соҳасида амалда ишлатишдир.

Мамлакат тараққиётининг муҳим мезонларидан бири аҳолининг ижтимоий ҳимоя билан қамров даражаси, эҳтиёжманд қатламларни қўллаб-қувватлаш самардорлиги ва инсон қадрини қай даражада таъминланганидир. Юртимиздаги кенг қўламли ислохотлар ҳам айнан инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтириш ва ҳар бир фуқаро учун муносиб ҳаёт шароитларини яратишга қаратилган. Жумладан, ижтимоий ҳимоя тизимини мутлақо янги асосларда ташкил этиш, соҳадаги тарқоқ функцияларни бирлаштириш, аҳолига ижтимоий хизматларни профессионал ва манзилли шаклда кўрсатиш мақсадида бундан уч йил олдин Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Бу қарор ижтимоий ҳимояни шунчалик нафақа ёки моддий ёрдам бериш тизимидан инсон ҳаётининг барча жаҳалларини қамраб олувчи комплекс механизмга айлантиришда муҳим қадам бўлди.

Навойи вилоятида ҳам ушбу ислохотлар амалий самара кўрсатмоқда. Ўтган йиллар давомида бажарилган ишлар таҳлили ижтимоий ҳимоя соҳасида янги ёндашувлар шаклланиганини, хизматлар сифати ва қамрови сезиларли даражада ошганини кўрсатади. Илгари ижтимоий ёрдам кўп ҳолларда мурожаатни қўриб чиқиш ва моддий кўмак бериш билан чекланган бўлса, бугун тизимнинг асосий вазифаси фуқаро муаммосини бартараф этишга қаратилди. Сўнгги икки йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолидан 299,3 мингта ариза келиб тушган бўлиб, 218,8 мингтадан бўйича ижобий натижага эришилган.

Агентлик фаолият бошлаган вақтда аҳолига дастлаб 46 турдаги давлат хизматлари кўрсатилади, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Навойи вилояти бошқармаси бошлиғи Қаҳрамон Ражабов. — Ҳозир хизматлар сони 130 га яқинлашиб қолди. Бу ижтимоий хизматлар оилаларга комплекс ёрдам беришга қаратилган. Ўтган йили қамбағал, меҳнат қилиш имкониятига эга бўлмаган оилаларга қуёш панеллари қўйиб берилиб, улар учун даромад манбаи яратилди. Шунингдек, жорий йилда вилоятда 84 та оила хонадонини таъмирлаб берилди. Айни вақтда бу жараёнинг иккинчи босқичи давом этапти ва 50 та хонадонини таъмирлашни режа қилганмиз. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигини олдига қўйилган мақсадлардан яна бири — инклюзив жамият қуриш. Бу ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида барабар ишлаш, спорт билан шугулланиш, дам олиш ҳуқуқларини таъминлаб беришдир. Уларни ишга олган иш берувчига давлат томонидан солиқ имтиёзлари яратилган. Даромадлар бўйича ва 3 ой моаиш тўлаб келган иш берувчига субсидия кўринишида имтиёзлар бор. Мактабларда уларга тўқсансиз муҳит яратилиб, махсус педагоглар жалб этилаётир. Бугунги кунда вилоятда 420 бола инклюзив таълим олмақда.

Вилоятда бу борада ўтган давр мобайнида амалга оширилган чора-тадбирлар нафақат мавжуд муаммоларни бартараф этиш, балки инсон капиталига сармоа киритиш, ижтимоий ҳаф-хатарларнинг олдини олиш ва аҳолининг муҳтож қатламлари учун муносиб ҳаёт шароитини яратишга қаратилди. Бу ижтимоий ҳимоя соҳаси нафақат моддий кўмак, балки реабилитация, психологик ёрдам, парваршиш хизматлари, ижтимоий мослашув, таълим ва бандликка кўмаклашиш каби йўналишларни ҳам қамраб олгани билан аҳамиятли. Муҳими, ижтимоий ҳимоя соҳасида рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали ижтимоий ёрдам ҳақиқатан муҳтож инсонларга етиб бориши, қарор қабул қилиш жараёналарини инсон омили таъсиридан холи бўлишига эришилмоқда.



## Таҳлил



# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

кўнгилларга хотиржамлик улашаётган тизим



Хусусан, вилоятда “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларини ажратишда автоматлаштирилган тизим жорий қилиниши орқали 3901 кишига 5 миллиард 700 миллион сўм ажратилди. Шунингдек, Президентимизнинг 2026 йил 5 февралдаги қарорини доирасида ижтимоий реестрга киритилган, давлат таъминоти тоифасидаги меҳнатта лаёқатсиз 1-группа ногиронлиги бўлган аъзолари бор оилалар хонадонларини энергия тежамкор қилиб таъмирлаш йўлга қўйилди.

Кармана туманидаги Наврўз маҳалласида яшовчи Озода Одилова ҳам ана шундай имконият, кўмак тўғрисида бугун ўз орузига етди. Ногиронлиги бор фарзандини ёлғиз парвартишлаб келаётгани боис, уй-жойини таъмирлашга имкони йўқ эди. Ижтимоий ҳимоя тизимидаги ислохотлар натижасида бу оилادا мавжуд масала ечимини топди.

Туманининг Нарпай маҳалласида яшовчи Хурият Пулатованинг ўзи ва турмуш ўртоғида ногиронлик бор. Уй-жойи таъмирланиб, муаммога ечим топилди. Бундан ташқари, Хурият опага тикув ускунаси олиб берилгани оиллага қўшимча даромад топиш имконини берди. Бугун унинг қўли қўлга тегмай, қўрпа-тўшак, турли либослар тикиб, яхши даромадга эга бўлмоқда.

Кечаги кунимиздан бугунгиз яхши, — дейди Хурият Пулатова. — Бир неча ой олдин маҳалла ижтимоий ҳодими уйимизга келиб, хонадон таъмири учун кўмак беришга тавсия қилинганимизни айтганида жуда хурсанд бўлдик. Уйимиз олдин абгор ҳолатда, истиш тизими яхши эмас эди, қишда битта хонада яшашга мажбур эдик. Ҳозирги кунлар орзу эди. 20 кунда таъмирлаб, барча шароитни қилиб беришди. Сўянадиган одамларимиз борлигини ва эътибордан четда эмаслигимизни ҳис қилдим. Ҳозир фарзандларим ҳам ижтимоий ҳодим тавсия қилган бепул тўғаракларга қатнашяпти.

Маҳаллалардаги ижтимоий ҳодимлар нафақат хизмат кўрсатувчи, балки оғир ҳаётини таъмирлашга тушган оилаларнинг яқин кўмакчиси, маслаҳатдоши ва ишончли таянчи сифатида муҳим ўрин тутаяди. Улар аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий адолатни таъминлаш ва жамиятда соғлом муҳитни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Маҳалламизда 5 мингдан зиёд аҳоли истикомат қилади ва шундан 176 нафарини ногиронлиги бўлган фуқаро, — дейди Кармана туманидаги Нарпай маҳалласи ижтимоий ҳодими Роҳат Кармонова. — 43 та оила эҳтиёжманд сифатида реестрга олинган. Уларнинг барчасига ёрдам кўрсатишмоқда. Ҳозир маҳалламизда яқин-ёқин яшайдиган 4 фуқаро бор ва ҳар кунини уларнинг ҳолидан хабар оламиз. Тавсиямиз асосида шу йилнинг ўзида бир неча оила хонадонлари таъмирлаб берилди. Шунингдек, уларнинг барқарор даромадга эга бўлиши учун ҳам зарур ёрдам кўрсатишмоқда.

Вилоятдаги маҳаллалар кесимида 47 мингта оила ўрганилиб, 15200 нафар камбағал оилалар реестрига киритилди. Уларнинг 61 мингдан зиёд аъзоси билан индивидуал ишлаш механизмлари йўлга қўйилди. Натижада 9482 та оила даромади оширилиб, камбағалликдан чиқарилиди. Минглаб оилалар турмуш даражаси яхшиланди, фарзандларининг таълим олиш имконияти кенгайди. Ижтимоий реестрнинг қизил тоифасида турган 464 та оиллага қуёш панеллари ўрнатилиб, бу орқали улар учун узок муддатли пассив даромад манбаи яратилди.

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан муносабат ҳам тубдан ўзгарди, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Навойи вилояти бошқармаси бошлиғи Қаҳрамон Ражабов. — Энди асосий эътибор уларнинг ҳаётини қайта фаол иштирок этилиш, таълим олиш, меҳнат қилиши ва ўз иқтидорини намойён этишига қаратилмоқда. Бу борада вилоятда ногиронлиги бўлган 41 мингдан ортқ шахсининг эҳтиёжи ўрганилиб, электрон базаси шакллантирилди. 2977 кишига

спорт билан шугулланиш учун йўланма берилди. 296 та адаптив спорт гуруҳи ташкил этилди. Ўзгалар парвартишга муҳтож шахслар билан ишлашда ҳам комплекс ёндашилмоқда. Жумладан, “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида 1230 киши янги ижтимоий хизматлар билан қамраб олинди. Ёлғиз кекса, ногиронлиги ва меҳнат fronti қатнашчиси бўлган 3961 киши бепул сиҳаттоҳ йўланмалари билан таъминланди.

Давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган кундузги парваршиш марказларига ногиронлиги бўлган болалар жалб қилинмоқда. Бу марказлар ногиронлиги бўлган болалар ва уларнинг ота-оналари учун яқин кўмакчи-га айланди. Чунки улар ота-оналарга меҳнат қилиш, банд бўлиш ҳамда жамият ҳаётини фаол иштирок этиш учун имконият яратмоқда.

Вилоятимизда давлат-хусусий шериклик асосида ташкил қилинган 22 та кундузги даволаш масканида оғир тоифадаги 320 бола парвартишланмоқда, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Навойи вилояти бошқармаси бош мутахассиси Фарангиз Шокирова. — Ҳар бир боланинг касаллик ҳолатидан келиб чиқиб хизмат кўрсатилади. Кундузги парвартиш масканларини ташкил қилган тадбиркорлик субъектларига ўз вақтида субсидия тўланапти. Бу ерга келаётган болаларларга транспорт хизмати учун ҳам компенсация берилмоқда. Шу вақтда қадар ногирон болалари билан банд бўлган ота-оналар ушбу хизматлар тўғрисида эндиликда бемалол меҳнат қилиб, даромад топтомоқда.

Инсон учун энг катта бойлик меҳр ва эътибордир. Айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, фаол ҳаёт кечириши ва оила бағрида яшаш уларнинг руҳий ҳолати ҳамда келажакка ишончи учун муҳим аҳамиятга эга. Нурота туманида жойлашган “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернат уйи — меҳр ва раҳматли маскан. Бу ерда ногиронлиги бўлган шахслар давлат ҳимоясида бўлиб, ҳаётларини мазмунли ўтказиши учун барча шароит яратилган. Уларга сифатли табибий, ижтимоий реабилитация хизматлари кўрсатилади. Парвартишланувчиларнинг буш вақтларини самарали ташкил этиш учун тўғараклар ва меҳнат терапияси машгулотлари йўлга қўйилган.

— Бу ерда парвартишланмаётган фуқаролар учун меҳнат терапияси жуда муҳим, — дейди Нурота “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернат уйи ижтимоий ҳодими Ҳилола Бердиқулова. — Меҳнат терапияси билан шугулланганларнинг ҳолатида ижобий ўзгариш сезилаяди. Бу уларнинг мустақил ҳаётга мослашишига ёрдам беради. Муассасамизда ташкил қилинган адаптив спорт турлари сабабли 39 парвартишланувчининг жисмоний функционал ҳолати қайта тикланди.

Муассасада ижтимоий ҳодим томонидан оилавий алоқаларни тиклашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Мунтазам ўтказилаётган видеосўхбатлар натижасида аввал қариношлари билан алоқаси узилган 98 парвартишланувчининг оилавий шугулланганларнинг қайта тикланди. Қўвонариси, 19 киши жамиятга мослаштирилиб, оиласи бағрига қайтарилди. Шунингдек, мустақил ҳаёт кечириш имконияти юқори бўлган 30 парвартишланувчи махсус дастур асосида ҳаётга тайёрланмоқда. Улар учун ўз-ўзинга хизмат кўрсатиш, молиявий саводхонлик ва ижтимоий мослашув бўйича амалий машгулотлар йўлга қўйилган.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги амалий ишлардан яна бири болаларни ва хотин-қизларни таъйик ва зўравонликдан ҳимоя қилишдир. Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари томонидан комплекс ва манзилли ижтимоий хизмат кўрсатилади, жабрланган аёлларнинг ҳаётини тиклаш, уларни жамиятга қайта мослаштириш ҳамда мустақил ҳаёт кечиришга кўмаклашилмоқда.

Агентлик тизимида ташкил этилган кичик ҳажмли ижтимоий ҳимоя кўмак марказлари ҳам оғир ҳаётини вазиятга тушиб қолган, таъйик ва зўравонликдан жабрланган қизлар учун ишончли маскан вазифасини бажармоқда. Уларда зўравонлик қурбон бўлган қизларга хавфсиз яшаш шароитлари яратилиб, ҳуқуқлари тикланиши, руҳий ҳолати яхшиланиши ҳамда жамиятга қайта мослашиши учун зарур кўмаклар кўрсатилади. Ҳар бир мурожаатчи муаммосини ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Марказ фаолиятининг муҳим жиҳатларидан бири мурожаат этган қизларнинг шахсий маълумотлари ва хавфсизлигини таъминлашдир. Бу эса уларнинг ўзини эркин ҳис қилишига, муаммоларини очик баён этишига ва ҳаётдаги қийинчиликларини ениб ўтишга хизмат қилмоқда. Айни вақтда Навойи вилоятида ҳам ана шундай марказ ташкил этилиб, белгиланган тартиб асосида ишланмоқда.

Ижтимоий ҳимоя соҳасида эришилган натижалар юртимиздаги ислохотларнинг ҳаётини самарасидир. Муҳими, ушбу ўзгаришлар марказида рақамлар эмас, инсон тақдирини турибди.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири



# НОМИ УЛУҒ, ҚАДРИ БАЛАНД, РУҲИ ТЕТИК БУХОРО!



Абдухалик МАВРУЛОВ, тарих фанлари доктори, профессор

Ана шу таърифу тавсифларни биз яқинда Бухорога таширфимиз давомиди ўз кўзимиз билан кўрдик. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарориди жорий йилги байрамни “Мустақиллик тўйи” (фестивали) сифатида ўтказиш ва уни “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” деган бош ғоя асосида ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Мустақиллик тўйи шукуҳи, одамлар кайфиятини яна бир бор билиш истиғи, ўзгаришлар, ислохотларни ўз кўзимиз билан кўришга интилиш бизни номи улуг, қадри баланд, руҳи тетик Бухорога етаклади.

## Кўҳна диёр, табаррук замин

Бухоро! Президентимиз таъкидлаганидек, бутун бу муқаддас заминни билмаган инсон қолдимиздан дунёда! Азалдан турли савдо йўллари, маданият ва цивилизациялар чорраҳасида жойлашган боқий Бухоро, унинг кўпни кўрган, илм-маърифат, дину динёт, бунёдкорлик борасида ном қозонган халқи ҳар қандай ҳурмат ва эътиборга муносибдир.

Ёз чилласининг қоқ ўртасида Бухорога етиб келганда Аллоҳнинг инояти билан қуёшнинг тафти ҳам бир оз пасайган эди. Республикани Маънавият ва маърифат маркази, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти ташаббуси билан бу ерга етиб келган таниқли олимлар, санъаткорлар, адабиёт ва санъат мамояндларидан иборат салоҳиятли ижодий гуруҳ ҳар домғидаке ишчимизни муқаддас заминдан ўтган буюк эотлар зиёратидан бошладик.

Когон туманидаги Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳига қадам қўйишимиз билан барчамизнинг руҳимизда енгиллик, осийишталик сезилди. Бу ерга келган кўплар хорижлик меҳмонлар, юртимизнинг турли гўшаларидан қадам ранжиди қилган ватандошларимизни кўриб, кўнглимизда Ватанга, буюк алломаларимизга бўлган меҳр-муҳаббат ошди.

“Мустақиллик тўйи” фестивали доирасида жами 12 та ижтимоий лойиҳани амалга ошириш белгилан олинган эди. Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида илк маротаба “Зиёрат одоби” лойиҳаси тақдими ўтказилди.

Лойиҳанинг мақсади меҳмонларнинг зиёрат одоби, зиёрат маданиятини оширишга ёрдам бериш, улуг зотларга меҳр-муҳаббатни изхор этишда эътибор берилиши керак бўладиган ҳаракатларига руҳ бағишлашдан иборат эди.

Шу ерда тўпланган 250 дан ортик хорижлик ва маҳаллий меҳмонда лойиҳа катта таассурот қолдирди. Хорижлик меҳмонлардан бири бундай амалиётни бошқа мамлакатларда ҳам жорий этиш одамларда зиёратгоҳларга таширф буориш маданиятини оширишга хизмат қилишини қайд этди.

“Зиёрат одоби” лойиҳаси Шофиркон туманидаги Хўжа Ориф Ревгарий зиёратгоҳида ҳам тақдимот қилинди. Бугунги кунда зиёратгоҳ қиёфаси тубдан ўзгарган. Кейинги қисқа вақт мобайнида майдонни қарийб 6 гектарни ташкил этувчи мажмуа ҳудудида макбара, ҳазрат даҳмаси, бир вақтнинг ўзиди 500 намозхонни сифдира оладиган масжид, музей, баландлиги 17,6 метрли минора, кенг айвонлар, дарвоза ҳамда замонавий инфратузилма барпо этилди.

## Янги Ўзбекистоннинг бахтиёр ёшлари

Биз, ёши катталар “Бухоро мактаби”, “Қорақўл мактаби” деган сўзларни кўп бора эшитганмиз. Бу сўзлар замирида Бухоро ёшларининг илм-фан, таълим соҳасидаги интилишлари, эришган ютуқлари, жаҳон олимпиадалари, турли фан танловларида қўлга киритган муваффақиятлари ётибди. Улар ҳар томонлама етуқлик сари интиломоқда.

Бунни вилоятга таширфимиз чоғида яна бир бор ҳис этдик. Бухоро шаҳридаги 1-болалар мусика ва санъати мактабиди “Мусика санъатининг ёшлар тарбиясидаги ўрни” мавзусида ўтказилган маърифий тадбир барчанинг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолишига амин бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Замира Сунонова, Юнус Ражабий номидаги Миллий маком институти профессори Салоҳиддин Азизбоев, қатор санъаткорлар мактаб ўқувчилари билан ижодий учрашувда ёш ижодкорларнинг билимга чанқоқлиги, миллий санъатимиз ва маданиятимизга қизиқшини алоҳида эътироф этди.

Ушч учрашувда “Маърифат” тарғиботчилар жамияти раҳбари Бахтиёр Хусанов бир гапни айтди: “Президентимиз маданият ва санъат ҳодимлари, адиблар вакиллари билан яқинда бўлиб ўтган учрашувда “бугунги мусиқамизда, театр, кино асарларида миллий руҳ етишмапти”, деган эди. Мен бугун бухорилик ёшларнинг шижоатини кўриб, миллий руҳда шақлланаётган бўлгуси ижодкорларнинг катта авлоди тарбияланимоқда деган хулосага келдим”.

Тадбир доирасида Замира Сунонова, Салоҳиддин Азизбоев, Адолат Исмоилова, Сардор Шавкатов, Тоҳирбек Ҳамидов каби санъаткорларнинг чиқишлари мактаб ўқувчилари, уларнинг ота-оналари учун маҳорат мактаби бўлди. Бизни ҳайратга солган нарсаси шу бўлдики, ўқувчилар ёзги таътилга қарамай, мактабда ташкил этилган турли тўғаракларда фаол иштирок этмоқда, санъатнинг нозик сирларини ўрганишга қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

Қорақўл туманидаги 1-умумтаълим мактабиди ўтказилган “Мактабимга китоб совға қиламан” лойиҳаси ҳам фойдали, ҳам ибратли бўлди, дейиш мумкин. Ушбу замонавий, барча шароитлар яратилган мактаб битирувчилари орасидан 20 га яқин академик, фан доктори, профессор етишиб чиқди.



Яна бир ҳолатга тўхталиш лозим деб ўйлаймиз. Шу мактаб битирувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мурабийси, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби, йирик файласуф олима Жамила Шермухамедова тадбир доирасида таълим даргоҳи кутубхонасига 300 дан ортик китоб совға қилди. Болаларнинг хурсандлигини бир кўрсангиз эди!

“Бухоро” ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳидаги ижодий учрашув ҳам есда қоларли даражада, қизиқарли ўтди. Болалар билан ижодий мулоқот қизгин кечди, интеллектуал ўйинда ҳар бир ўқувчи ғолиб бўлишни истади, уларнинг фаол ҳаракатини кўриб кўзлар қувонди. Тадбир иштирокчиларига “Маърифат” тарғиботчилар жамияти томонидан совғалар улашилди, катта концерт дастури намойиш қилинди.

## Миллат фидойилари ҳеч қачон унутилмайди

“Маърифат” тарғиботчилар жамиятининг энг таъсирили тадбирлари “Миллат фидойилари” лойиҳаси асосида ўтказилди. Ҳозирги кунда Бухоро вилоятида Иккинчи жаҳон урушининг уч қатнашчиси истиқомат қилмоқда. Ижодий гуруҳ иштирокчилари Олот туманидаги Ёш ботир маҳалласида кексалик гаштини сураётган 101 ёшли Ҳожимурод ота Бектошев хонадониди бўлди. Отаҳон 1941 йилда Иккинчи жаҳон урушига сафарбар этилди. Армия сафидан етти йил деганда — 1951 йилда қайтиб келди.

Ҳожимурод ота кейинчалик 50 йилдан ортик вақт давомидида қишлоғидаги мактабда дарс берди. “Халқ маорифи аълоҳис” унвонига эга бўлди. 7 фарзанд, 35 набири, 45 чевара ардоғида. Ҳар кунин Ўзбекистон телевидениесиди бериладиган хабарларни интиқлик билан кутиди, мамлакат ички ва ташқи сиёсатидан хабардор. Унинг тетиклиги, хотирасининг кучлилиги, тафаккур салоҳиятини айтмайсизми?! Отаҳон миллий ашула ва қўшиқлар шайдоси экан. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гўлбаҳор Эрқулова томонидан қўйилган “Феруз-1” ашуласига ҳамнафас бўлди.

Ҳожимурод ота учрашувимиз охирида барчамизни дуо қилди. Ижодий гуруҳ отаҳонга совғалар, набири, чевараларига еса мактаб учун жамланмалар топширди.

Худди шу лойиҳа доирасида яна бир тадбир Олот туманининг Гулистонобод маҳалласиди Бойхотин қишлоғида истиқомат қилган,



1998 йилдан Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жамоат тартибини сақлаш хизмати тизимида хизмат қилган, 1998 йил 26 сентябрда Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳудудида ўта хавфли қуролланган жиноятчини қўлга олишда оғир яраланиб, мардларча ҳалок бўлган Ўқтам Раҳматов хонадониди бўлиб ўтди.

Марҳумнинг хотирасига Қурбон тиловат қилиниб, дуолар ўқилди. Оила аъзоларига совғалар топширилди.

Худди шундай маънавий учрашув Ҳавзак маҳалласиди яшаган, 2000 йилда Сариев ва Узун туманидаги мудҳиш воқеаларда Ватан тинчлиги, халқимиз осийишталиги учун жон фидо қилган Гофиржон Ражабов хонадониди ҳам ташкил этилди.

Марҳумнинг онаси Муҳаббат Тўқсонова, акаси Гофиржон Ражабов, маҳалла фаоллари, яқин қариндошлари, ёшлар иштирок этган бу тадбир том маънода ватанларварлиқ, юртга содиқлик, мустақиллигини буюк неъматлиги, уни кўз қорачиқидека асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини яна бир бор ёдимизга соладиган “маънавият дарси”га айланиб кетди.

Ватанга, самимий халқимизга чексиз садоқат руҳида ўтган тадбирлардан яна бири Бухоро туманидаги Кунжиқалма маҳалласиди жойлашган 9-маданият саройида бўлиб ўтди. Тадбирда чегара қўшиларининг 350 дан ортик ҳарбий хизматчиси оила аъзолари, аскарлар, маҳалла ёшлари иштирок этди.

“Нуроний” жамгармаси Бухоро тумани бўлими раҳбари Ҳайрулла Бафоевнинг сўзларига қулоқ туттайлик: “Бугун дунёда тинчлик ва хавфсизликка қарши таҳдидлар тобора кўпайиб бормоқда. Бу еса барчамиздан огоҳликни, юртимиздаги ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишни, тинчлик ва осийишталикнинг қадрига етишни талаб етмоқда. Шунинг учун барчамиз бир тану бир жон бўлиб янада жипслашимиз, давлатимиз мустақиллигини, мутафаккур болаларини яратиб кетган илмий-маърифий меросимизни аявайлаб-асрашимиз зарур”. Ҳақ гап.

## Жамиятдаги ўзгаришлар, энг аввало, инсон қалбиди акс этсин

Президентимиз яқинда Бекободга таширфи чоғида одамлар маҳалласида, шаҳрида кечаётган ўзгаришларни ҳис қилиши, уларнинг самарасини кундалик ҳаётида кўриши керак, деди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда, жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришлар, ислохотлар одамлар онги, тафаккурида таҳлил қилинмас экан, кишилар барча ўзгаришларнинг оддий кузатувчиси бўлиб, бу жараёнинг фаол иштирокчисига айланмас экан, кўзланган мақсадга еришимиз асло мумкин эмас.

Шу боис, бугун бутун Ўзбекистон аҳли туб ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси, янги ғоя

ва ташаббусларни олға сурадиган фидойи инсонларга айланиб борапти. Бунни Ўзбекистоннинг энг чекка, Туркменистон билан чегара ҳудуддаги Олот тумани, унинг Жайхўнобод маҳалласи мисолида кўришимиз мумкин.

“Мустақиллик тўйи” фестивали доирасида “Ободлик кўнгиладан бошланади” лойиҳаси бизни жуда кўп янгилеклардан бохабар қилди. Маҳалла кўчаларида даракхтар катта дид ва фаросат билан экилган, улар барча талаблар даражасида парвариш қилинмоқда. Одамнинг ҳаваси келади! Кўчалар асфальтланган. Асфальт оқ рангли бўёқлар билан машиналар ҳаракати учун худди шаҳарлардагидек мослаштирилган.

Маҳалла фаоли Анвар Одилов хонадонига кириб борамиз. Дарвозадан кирибчо, инсоннинг кўнли тоғдек қўтарилади. Озода, кўркам ҳовли, гулу райхонлар экилган, узумлар ғарқ пишиб ётибди. Мевали даракхтар кўп.

Энг муҳими, бу хонадонда яшовчиларнинг ўзаро аҳилиги, бири-бирига меҳр-муҳаббати. Анвар ака 75 ёшда бўлса-да, ғайрати, шижоатига ҳайрон қолсан киши.

— Мен учун кечирилмайдиган одам — дангаси одам. Ҳар кунин ерталбадан 5-6 кишидан иборат фаоллар маҳаллани айланамиз, одамлар билан тиллашамиз, тозалик, фуқароларимиз орасидида аҳиллик — мана бизнинг мавзумимиз. Бир неча йиллар бўлдики, маҳалламизда бирорта жиноятчилик содир этилмади, — дейди отаҳон.

Бизнинг келганимизни эшитиб, бир зумда тумонат одам тўпланди. Кўчаннинг ўзидида ўзига хос концерт дастури бошланиб кетди. Айниқса, Ражабийлар сулоласи вакили Азиз Ражабийнинг куй-қўшиқлари барчани ром этди, кўнгиларни шод қилди, руҳиятини кўтарди. Ҳа, ободлик кўнгиладан бошланади, деганлариди биз айнаин шу ерда, Ўзбекистоннинг энг чекка чегара ҳудудида яна бир бор гувоҳ бўлди.

## Шукр қилайлик, аммо ҳаракатдан тўхтамайлик

Халқимизнинг ажиб хислатларига фазилатлари бор-да! Шукр сўзи миннатдорлик, мамнуллиқ, қаноат ва неъмат берувчига ҳамд айтиш маъноларини англатади. Биз шукр қилувчиларимиз. Бироқ Шофиркон каштачилик мактаби тажрибасини ўрганиб, “Бухоро Азтекс” МЧЖга қарашли “Амиртех” тикувчилик корхонасиди бўлиб, шукр қилиш ва айнаин пайтда ҳаракатни тўхтатмаслик барча ютуқлар гарови эканини яна бир бор англадик.

“Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғинида Муҳаббат Қўчқорованинг каштачилик уй-музейида бўлганмизди кашта оддий безак эмас, балки халқнинг тарихи, маънавияти, эстетик

тафаккур тарзини авлодларга етказувчи бебаҳо мерос эканини тушундик.

Бугун бутун шофирконликлар республика “Хунарманд” уюмаси аъзоси, “Дўстлик” ордени соҳиби Муҳаббат Қўчқоровадан ҳақли равишда фахрланади. У қатор халқаро хунармандлар кўрик-танловлари, фестиваллар ғолиби бўлган. Айни пайтда унинг ишини қизи Гўлҳаё Тоҳиева давом етирмоқда. Бу маскан ўзига хос ижод мактабига айланган.

Шофирконда сановатни ривожлантириш бўйича ҳам қатор ибратли ишлар қилинмоқда. Масалан, “Амиртех” тикувчилик мажмуасида 1200 та янги иш ўрни яратилган. Замонавий тикув ускуналари билан жиҳозланган корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, асосан, хорижга экспорт қилинади.

Бу ерда ҳар бир дақиқа олтин каби қиммат. Шунинг учун Тошкентдан борган санъаткорлар тўқувчилар ҳузуридида тушлик пайтда аjoyиб концерт дастурини тақдим этди.

## Маҳалла — маънавий макон

Мустақиллик туфайли халқимизнинг кўп йиллик орзулари амалга оша бошлади. Айниқса, миллий қадриятларимизни тиклаш, уларни келгуси авлодларга безавол етказиш, миллий ўзликни англаш борасида кейинги йилларда қилинган ишларнинг санаб адоғига етолмайсан киши.

Бугун дунёда ахлоқсизлик тобора авж олиб бораётган, миллий қадриятлар қадрсизланиб кетаётган бир даврда мамлакатимизда маҳалла институтига, диний қадриятларни тарғиб этишга қаратилган эътиборни бутун халқимиз, миллатимиз хурсандлик билан кутиб олмоқда.

Шу мақсадда илк маротаба Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон маҳаллалари уюмаси, Олий Мажлис ҳузуридидаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда “Маърифат” тарғиботчилар жамияти ҳамкорлигида ҳаж сафарини адо этиб келган ҳожи ота, ҳожи оналар билан семинар-тренинг ўтказилди.

2026 йилда Бухоро вилояти бўйича 801 фуқаро ҳаж амалларини бажариб қайтди. Бухоро шаҳридаги Мир Араб олий мадрасида вилоятнинг барча туманларидан келган 100 га яқин ҳожи билан маҳаллаларда маънавий-маърифий муҳитни мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш, жамиятда эъгулик, бағрикенглик ва бирдамлик ғояларини кенг тарғиб этиш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз ҳаётида, одамлар, айниқса, ёшлар тарбиясида ислом динининг тутган ўрни, давлат томонидан ислом дини арконларини мустаҳкамлаш борасида қилинаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. “Маърифат” тарғиботчилар жамияти раҳбари Бахтиёр Хусанов ҳожилар маҳаллаларда олиб бориши лозим бўлган маънавий-маърифий ишлар, уларнинг янгича, креатив усуллари бўйича ўртоқлашди.

— Биз ҳожилар учун яратиб берилаётган барча имкониятлар, имтиёزلардан тўлиқ фойдаланамиз, — деди Ғаждувон туманидаги “Ғаждумак” маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Бекмурод ҳожи ота Бозоров. Шу билан бирга, елкамизда катта масъулият юки турганини баъзан унутиб қўйётганга ўхшаймиз. Ҳар биримиз маҳалламизда, қишлоғимизда содир бўлаётган ахлоқсизликлар, маънавиятсизликлар учун масъул эканимизни унуттишга асло ҳаққимиз йўқ.

Семинар-тренингда вилоят бош отинойиси Ризов ҳожи она Бахромова хотин-қизлар тарбияси, оила муқаддаслиги, қайнона-келини муносабатлари ҳақида кўйиниб гапирди. Вилот бош имоми ўринбосари, Бухоро шаҳри бош имоми Отабек Азоев ҳар бир туманда шундай семинар-тренинглар ўтказиш зарурлигини қайд этиб, “Биз, ҳожиларнинг вазифаси оилалар муқаддаслигини сақлаб қолиб, ёшларни турли таҳдидлардан асрашдан иборатдир”, деди.

Тадбир сўнгигида ёшлар тарбияси, маҳалла ҳамжихатлиги йўлида фаол иштирокчи қатор ҳожилар “Маърифат” тарғиботчилар жамиятига аъзо қилиниб, сертификатлар тақдим этилди.

## Қўшиқларда Ватан ишқи, миллат мадҳи

Бухоро вилоятига уч кунлик сафаримиз, ҳар бир маънавий-маърифий тадбиримиз қўшиқ, куй, шерьят базмиси ўтмади. Барча туманларда “Миллий навалар” лойиҳаси доирасида мусиқий кечалар ташкил этилди.

Тадбирларда “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари — Ўзбекистон халқ артисти Замира Сунонова, Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофиси Абдунаби Иброҳимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гўлбаҳор Эрқулова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ҳодими Бобур Бобомурод, таъкил санъаткорлар Салоҳиддин Азизбоев, Азиз Ражабий, Адолат Исмоилова, Ойгул Абдурахмонова, Ирода Исқандарова, Сардор Шавкатов, Тоҳирбек Ҳамдамов ва бошқалар ижросидаги куй-қўшиқлардан минглаб бухориликлар баҳраманд бўлди.

Бухорода “Мустақиллик тўйи” фестивалларини туманларда ташкил этилаётган “Соҳил бўйи” ҳам олиш масканларида ўтказиш одат тусига кирибди. Бу барчани қувонтирмоқда. Мусаффо осмон остида, турли ранглардаги чиқроқлар билан безалган, муовий сув ғазалари бўйларида ташкил этилган фестиваллар давом етмоқда.

Юртимиздаги барқарор тинчлик, миллатлараро бағрикенглик, ўзаро ҳамжихатлик, кўнгиладан ободлиги, турмуш фаровонлиги шароитида ўтаётган бу тадбирлар бошланиши. Бу байрам давом етаверди. Тўйлар тўйларга уланаверсин.